Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

37 сон
15 — 21 сентябр,
2005 йил

«Агар оиламизнинг ҳаммаси бир ерга жамланадиган бўлса - катта тўйхона керак бўлади», - дейдилар катта хонадон соҳиби Абдурашид ота Абдураҳмонов. Суратда: (чапдан иккинчи қаторнинг иккинчиси) Абдурашид ота ва Саломатхон ая оила даврасида

УМРНИНГ ОЛТИН БЕКАТИ

Ярим асрлик жуфти ҳалолим САЛОМАТХОНга!

- Оллоҳ насиб этиб, табаррук ёшга ҳам етиб келибмиз.

Яқинда қутлуғ ёшимизни, олтин тўйимизни самимий қутлаган дўсту биродарлар, жигарлар, фарзандлар ушбу фаслимизни "Умрнинг олтин бекати" - деб атадилар.

Унгача қанча бекатлардан биргаликда ўтдик! Қўшиқда айтилганидек:

"Эй, дўст!
Қанча йўлни юриб қўйдик биз,
Яхши-ю ёмонни кўриб қўйдик биз!

Қанча бекатлар ортда қолди. Булар - "Орзу-умид" бекати, "Яхши ниятлар" бекати, "Эртанги кунга ишонч" бекатлари зди. "Билим олиш", "Ўқиш-ўрганиш", "Меҳнат", "Сабр-тоқат", "Қаноат", "Оқибат", "Меҳр-шафқат" бекатларида қанчалар узоқ қолиб кетардик-а! Нимасини айтасиз, қадрли умр йўлдошим! Агар ўша қўшиқнинг давомини ёзиш менга насиб қилганида, шундай деган бўлардим:

"Тўрт фарзанд - тўрт тирак,
вожиби дуо,
Умримиз давомин тизиб қўйдик
биз!
Маъданлар то олтин бўлгунга
қадар,
Не туфроғ, тошларни ювиб
қўйдик биз!"

Дунёга фарзанд келтириб, уни тарбиялаш осон эмас. Бу ҳақда бобомиз Абдураҳмон домладан, падари бузругимиз Абдумавлон қоридан жуда кўп ўгитлар эшитган эдик. Уй-рўзғор тутиш, сингилларим Мунирахон, Нафисахон, Наимахон, Машкурахонларга намуна бўлишда, укам Абдулазизга оналик қилишда, болаларимиз Маҳфузахон, Нодирахон, Дилфузахон, Абдуллоларни тарбиялашда волидаи муҳтарамамиз Окистахон аямизнинг йўриқларидан четга чиқмадингиз. Ва бунинг ширин мевасидан бугун баҳраманд бўлиб шукрона айтмоқдасиз! Ҳаммаси йиғилишса - уйимиз тўйхонага айланиб кетади-я!

Мен-ку, геолог сифатида кўп сафарларда қолиб кетардим. Отанам парвариши, сингиллар ва укамнинг, болаларнинг тарбияси сизнинг зиммангизда бўлди. Қанча меҳнат, қанча заҳмат, қанча азият чекмадингиз ахир! Аммо қўлимни кўксимга қўйиб айтай - бирон марта нолиганингизни, шикоятингизни эшитмадим. Ҳаёт кимларга бойлик, кимларга қудрат, кимларга ҳикмат беради, деганлари рост экан. Қалбингиздаги меҳр, уйдагиларгагина эмас, қариндош-уруғларга ҳам татигулик бўлдики, ярим асргача ҳам "тилло келин" бўлиб қолдингиз!

Мустақилликнинг неъматини, мевасини қаранг! Минг шукр, невараларимизнинг билим олиши жаҳон миқёсида бўлаяпти - Абдурасул Канадада магистратурани битириб, Германияда илмий иш қилаяпти. Абдуазим - Деҳлида магистратурани битирди. Мактубахон ҳам - хитой тилини мукаммал ўрганиш учун магистратурада ўқияпти. Оиламиз бу — сиз ва менинг бахтга тўлган кошонамиздир.

Саломатхон! Оиламиз суратини Сизнинг ижозатингизсиз юртимизнинг энг ўқимишли газетасига бердим. Умримизнинг энг фараҳли кунларида шу газета орқали сизга мурожаат этаётганим учун мени авф этарсиз.

Илоё, набираларимизга ҳам, биз пиру бадавлат буважони-ю, бувижонидек умр кўриш насиб этсин.

Сизга эҳтиром ва туганмас меҳр билан жуфти ҳалолингиз: Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ.

Раҳима ШОМАНСУРОВА
ёзиб олди.

АЁЛ - ЖАМИЯТ УСТУНИ

Республика Хотин-қизлар қўмитаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда «Ўтказилаётган ислоҳотларда аёлларнинг ўрни» мавзуида семинар йиғилишини ўтказди.

Тадбирни Иқтисодиёт университети ректори, академик С. Гуломов очди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдураҳимовага бугунги кунда хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, жамият тараққиётида, илғор ўзгаришларда аёллар иштироки ҳақида сўз юритди.

Шундан сўнг, сўзга чиққанлар "Таълим ва меҳнат бозори, аёлларнинг бандлик муаммолари", "Она ва бола саломатлигини сақлаш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида бўлаётган ислоҳотлар", "Ислоҳотларда Хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни ва роли", "Аёл маънавиятининг таянч негизлари", "Аёл ҳуқуқларининг конституцион кафолатлари" каби мавзуларда маърузалар қилдилар.

Феруза ОРИПОВА

Самарқанд шаҳар хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи Қуддус Аъзамов, "Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири Д. Саидова, Республика Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Муҳиба Ҳамидова, вилоят ҳокими муовини, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Гавҳар Худойбердиевалар қатнашиб, Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижроси шаҳар миқёсида қай даражада олиб борилаётгани ҳақида гапирдилар. Йиғилиш қизғин савол-жавоблар билан кечди.

САНОБАР

ВАТАН ТИНЧ—

БИЗ ТИНЧ

Бундай тадбирлар беллашув бўлибгина қолмай ёшларимизни Ватанни севишга ўргатади.

Ҳар бир кўрик-танловга минглаб йигитлар орасидан атиги еттита йигитни саралаб оламиз. Кучли еттиликка кириш учун талабгорда туғма қобилият белгилари бўлиши керак. У албатта адабиётдан, санъатдан маълум малакага эга бўлиши лозим. Иккинчидан, экранбоп қиёфа ва қоматга ҳам эътибор берамиз. Учинчидан ҳарбий хизматдаги аъло хулқ-атвори ҳам ҳисобга олинади. Саралаш синовлари кўпчиликнинг ичида очиқ бахс-мунозараларда олиб борилади. Хуллас, кучлиларнинг-кучлиси танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мен ҳам Андижон, Наманган, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ҳарбий қисмлардаги "Онам каби азизсан Ватан" тадбирида иштирок этдим. Ҳарбий қисмлардаги дийдорлашувлар менга олам-олам илҳом бахш этди. Қуйидаги шеърим шу мунаввар дақиқалар ҳосиласидир.

Ҳовучимдан оҳулар сув ичган кунлар,
Ҳурлиқолар афсунларин ечган кунлар,
Гул умримда асал кунлар кечган кунлар,
Сура мисол лабларимдан тушмади ҳеч -
Ватан тинч - биз тинч.

Ҳудога бир айтганимнинг ижобати,
Юз иссиғи, кўз иссиғи ҳидояти,
Мустақиллик берган бахту саодати,
Борлиғимда оқ гулларни очган севинч -
Ватан тинч - биз тинч.

Тунлар гўзал тушлар кўриб ухлайдирман,
Тонгларда гунчалайман, гуллайдирман,
Кўнгилларни кўнгилларга йўллайдирман,
Дил уйини ушлаб турган муқаддас синч -
Ватан тинч - биз тинч.

Сув ўтларин шивирлаши булоғимда,
Чечакларнинг пичирлаши қумлоғимда,
Фақат бешик гичирлаши қулоғимда,
Кўз тегмасин такрорлайман оҳиста тинч -
Ватан тинч - биз тинч.

Зулфия МЎМИНОВА, шоира.
Республика Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси.

Аёллар ҳақида ҳикоялар

Суҳбатдошим—"Автоҳамроҳ" журнали бош муҳаррири Қумрихон КАРИМОВА.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

- Кумри опа, оила ташвиши билан бирга раҳбарлик масъулиятлари сизни чарчатиб қўймаяптими?

- 15 йиллик ўқитувчи бўлиб ишлаганман. "Автоҳамроҳ" журнали ташкил этилгач, бош муҳаррирликни менга топширишди. Шунга ҳам 7 йил тўлибди. Ҳали ҳамон оилам ташвишларини уйда қолдириб, маъсулият ва ҳаяжон билан журналнинг янги сонни тайёрлашга киришаман.

- Жамиятимиздаги долзарб муаммолардан бири автофалокат туфайли рўй бераётган катталар ва болалар ўлимидир. Бунинг олдини қандай олиш мумкин?

- Автофалокат кўпгина шаввозларнинг машина ойналарини меъёрдан ортиқ қоралатириб, йўл ҳаракати қоидаларини билмаслиги, билса-да, риоя қилмаслиги, маст, асабий ҳолатда машинага ўтириши, тез бошқариши оқибатида келиб чиқади. Кўп ҳолларда йўл транспорти ходисасини содир этиб, ҳайдовчи воқеа жойидан қочиб қолади. Натижада, жабрланувчилар ёш бўлишига қарамай, бу дунё билан видолашади ёки бир умрга ногирон бўлиб қолишади. Болаларга боғча, мактаб ёшидан йўл ҳаракати қоидаларини ранглар ёрдамида ўргатиш зарур. Ҳар бир ота-она эрталаб нонуштадан сўнг мактабга шошилаётган боласига: "Йўлдан ўтаётганингда аввал ўнгга, кейин чапга қара, қизил чироқ ёнганидан кейин ўтгин", - деб гапиришдан чарчамаслиги керак.

- Давраларда сиз ҳақингизда гап кетганда: "Тўғри сўз, тиришқоқ, сахий ва кўнгилчан аёл" деб таърифлашади. Шу ростми?..

- Кишиларга таъмасиз яхшилик қилиш, марднинг ишидир. Майдакашликни ёмон кўраман. Балки бундай характерга эга бўлишимни ишим ҳам тақозо этар.

- Газетамиз мухлисларига тилакларингиз?

- Аёллар ҳар қандай вазиятда ҳам турмуш ўртоқлари йўлга кетаётганида яхши кайфият билан кузатиб қўйишни унутмасинлар. Агар йўлимиз осойишта, фаровон бўлса, бахтимиз бут, ишимиз бароридан келади.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ ЎЗБЕК ҚИЗИ

Кўп ўтмай зарафшонликлар бу ширинсухан, доно, турли халқ мақоллари ва ҳикматларини ёд қилиб юборган қизни яхши кўриб қолишди. Чунки, ҳар бир одам бу даргоҳни зиёрат қилишига тўғри келади. Ахир, чақалоқнинг номини қўйиб, унга "оқ йўл" тилаш Динарахоннинг зиммасида-да! Айниқса, у тирноққа зорларни фарзандли, етимларни ота-онали қилишда ёрдамини аямайди. Одамларнинг уйига бориб, оиласини ўрганади, шароитини зимдан текширади. Токи "етимгиналар" эртага янги оилада қийналиб қолмасин, дейди. Ёшлик қилиб, ажрашмоқчи бўлган эр-хотинларга "сабр-қаноат - оиланинг пойдевори" эканлигини эслатиб қўяди, уялтиради. Динарахон руҳшунос, гинеколог, ижтимоий таъминот ходимларини чақириб, маҳаллаларда оилалар билан ойда бир марта суҳбат ўтказади. Бўлажак келин-куёвларга эса 1 ойлик синов муддатида 32 соат дарс жорий қилган. Унда пиру бадавлат отахон-онахонлар ташриф буюришиб, ёшларга қимматли маслаҳатлар беришади.

Бир куни 50 йил бирга яшаган чол-кампирларни ФҲДЁ бўлимига чақириб, табрикларкан, улардан никоҳ мустаҳкамлигининг сирини айтишларини сўради. Чол: "Аёл гапирганда, эркак тоза ҳаво олиб айланиб келса, оловга сув сепгандай бўлади. Демак, эрхотин 2-3 йиллик эмас, бир умрлик синовга чидаши керак", - деди ва "Мен ҳам 50 йилдан буён тез-тез ҳавода айланиб юраман", - деб ҳазил қилди. Динарахон уларнинг бу ҳазиломуз ҳикматларини барча йигинларда айтиб юради.

4 фарзанднинг онаси, тўкис оиланинг севимли бекаси, зарафшонликларнинг ғамхўр "янгаси" Динарахоннинг бугунги шиддати сўнмаслигини истаймиз!

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ШИФОКОР БАХТИ

Иссиқ жонмиз-да, баъзан тобимиз қочиб қолса, дунё кўзимизга тор кўринади. Яхшиямки, танамизни турли дардлардан фориғ қилиб, олам гўзаллигини кўнглимизга қайтарадиган шифокорлар бор. Шулардан бири "Ўзбекқишмаш" тиббий санитария қисми ички касалликлар бўлими бошлиғи Муратова Дилором Маҳмудовнадир.

- Дилором Маҳмудовна, сиз болаликдан бу касбга қизиққан экансиз...

- Рост, бу қизиқишим онажонимдан ўтган бўлса керак. Чунки, онам Ҳамрохон Сулаймонова руҳий касаллар шифохонасида 40 йил шифокорлик қилганлар. Беморлари соғайиб, оиласига қайтган кун онам учун байрам бўларди. Чеҳралари яшнаб кетарди, менга онамнинг бу ҳолати жуда-жуда ёқарди. Одамларни даволаш савоб эканлигини ўшандаёқ англаб етганман. "Сиздек шифокор бўламан", - дея ният қилгандим. Шунинг учун қунт билан ўқидим. Институтни аъло баҳоларга битирдим. Тиббиёт соҳасида ишлаётганимга ҳам 20 йилдан ошди.

- Сиз бошқараётган бўлимда асосан қандай касалликлар даволанади?

- Асосан тананинг ички аъзоларини буйрак, жигар, ошқозон-ичак яраси, камқонлик хасталикларини даволаймиз. Улар ўзлари яшаб турган жойдаги клиника шифокорлари қўйган ташхис билан келишади. Лекин, биз бу ерда бир нечта шифокорлар билан ҳар бир беморни қайтадан текшириб чиқамиз.

УЗД, рентген кабинетлари, физио ва иглотерапия, резонанс даволаш усуллари касални аниқлашда жуда қўл келади. Энг қувонарлиси шундаки, шифокорлар малакасини ошириш институтининг ички касалликлар кафедраси ҳам шу ерга жойлашган. Малака оширишга келган шифокорлар билан бирга маслаҳатлашамиз.

- Кўп вақтингиз ишда, беморлар орасида ўтади, болалар, оила, рўзғор ташвишларига улгура оласизми?

- Албатта, ҳаммасига улгураман. Севимли ишингиздан севимли оила аъзоларингиз бағрига ошиқиш қандай кўнгилли! Шундай эмасми?

- Кўпроқ қандай таомларни пиширасиз?

- Қилтаноқларидан ажратилган балиққа турли зираворлар солинган қийма ўраб, духовкада пиширамаи. Жуда қийин, кўп вақтни оладиган таом бўлса ҳам эринмайман. Бу таом ҳаммамизга ёқади.

- Она сифатида бахтлимисиз?

- Илоё кўз тегмасин. Фарзандларимдан хурсандман. Дилбарнинг иккита фарзанди бор, шукр, буви бўлганман. Ўғлим Хусниддин Тошкент Педиатрия Институтида ўқияпти. Бўлажак шифокор.

- Ройишли қайнонамисиз?

- Турмуш ўртоғим билан онамникига келганимизда онам дастурхон тузаб, куёвини эҳтиром билан кутиб оларди. Мен ҳам қўлимдан келганча шундай қиламан. Куёвим жуда яхши йигит. Гарчи, қизим икки болали бўлса-да, ҳар гал келганда яна насиҳатлар қиламан. Фарзандингиз бахтли бўлсагина сиз ҳам бахтни ҳис этасиз.

ГУЛБАШАКАР

ЗАҲАРЛИ ТУТУН ЗИЁНИ

Айрим маълумотлар: Тожикистон алюминий заводи Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўн километр узоқликда бундан ўттиз йил олдин қурилган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, унинг аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит учун зарарли таъсири 1980 йилдан буён бошланган Заводнинг лойиҳа қуввати йилига 517 минг тонна алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Завод қувватининг оширилиши, янги электролизерларнинг ўзлаштирилиши натижасида атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли ва заҳарли чиқиндиларнинг миқдори ҳам ошиб кетганлиги кузатилмоқда.

Мана, йигирма беш йилдирки, Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё, Денов ва Олтинсой туманлари аҳолиси заводнинг заҳарли ва ғоятда зарарли тутуни, ҳалокатли таъсири ҳамда таҳликаси остида яшаб келмоқда,

Йигирма беш йилдирки, Сурхон табиатининг гавҳари ҳисобланмиш ғўзалар тобора қовжираб, сўлғинлашиб бормоқда.

Йигирма беш йилдирки, чорванинг ҳоли хароблашиб, тишлари тўкилиб боради.

Йигирма беш йилдирки, кўнгиллар кун сайин маъюс ва мустар тортиб боради.

Яна бир далил шуки, вилоятнинг қарийб эллик фоиз аҳолиси экологик муҳит кескин бузилган ҳудудларда яшамоқда.

Йигирма беш йилдирки, вилоятнинг қарийб бир миллион одами "Тожикистон алюминий заводи биз томонга мўриларидан заҳарли фтор водородини пуркашдан қачон тўхтайди? Тўхтайдими ўзи!?" деган ташвишли ва таҳликали саволлар гирдобида яшамоқда.

Келинг, ғуссали фикр ва мулоҳазаларни бир четга қўя турайлик-да, мутахассисларнинг фикр ва далилларига қулоқ тутайлик. Халқимизнинг чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган нақлига амал қилмоқ бу ўринда фойдалироқдир.

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Комил Абдивоҳидов шундай далил ва рақамларни келтиради:

—Шифокорларимиз вилоятнинг шимолий туманларида яшаётган аҳолининг саломатлиги Тожикистон алюминий заводининг касофатидан кескин ёмонлашаётганлигини анча йиллардан бери кузатиб келишмоқда. Сариосиё ва Узун туманларида флюроз касаллигига чалинганлар сони 1996 йилда 491 нафарни ташкил этган бўлса, 2004 йилда ана шундай беморларнинг 1 минг 285 нафари рўйхатга олинди. 2005 йилнинг атиги олти ойи давомида 3 минг 361 киши аниқланди. Кейинги пайтларда флюрозга чалинганлар сони кескин ошиб бораётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Алюминий заводи чиқиндилари охир-оқибатда наслга шиддатли хуруж қилаётганлиги янада хатарлидир. Завод мўриларидан кечаю-кундуз кўтарилаётган заҳарли тутунлар туғиш ёшидаги хотин-қизларга қаттиқ таъсир этмоқда. Узун туманида туғиш ёшидаги хотин-қизлардан 2005 йилнинг олти ойи давомидаги таҳлилларга кўра 22 минг 50 нафарида экстрогенитал хасталиклар борлиги маълум бўлди. Аниқланган касалликларнинг асосий қисмини камқонлик, буйрак ва ҳазм қилиш аъзолари иллатлари ташкил этади. Ўтган қисқа давр оралиғида Узун туманида 26 нафар, Сариосиё туманида эса 18 нафар аёлда ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши шифокорларни янада ташвишга солди.

Бундан ташқари, завод келтириб чиқарган касалликлар асорати туфайли қисқа фурсат мобайнида Сариосиё туманида 55 нафар, Узун туманида эса 68 нафар аёлда туғруқ муддатидан олдин юз берган. Она ва бола скрининг марказлари олиб борган текширишлар ҳам қувонадиган даражада эмас. Туғма нуқсонли ҳомилалар аниқланмоқда. Ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида Сариосиё ва Узун туманларида 2004 йилда 46 та, 2005 йилнинг дастлабки олти ойида эса 28 та ҳомиладорлик сунъий йўл билан тўхтатилди...

—Республикадаги Эндокринология илмий-текшириш институти олимлари томонидан олиб борилаётган текширишлар алюминий заводининг таъсири натижасида вилоят аҳолиси орасида буқоқ касаллигининг ортиб боришини кўрсатмоқда,—дейди олий тоифали эндокринолог-шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Серка Каттаев. Вилоятнинг шимолий ҳудудларида 1991 йилда қалқонсимон без касалликлари билан касалланган 1 минг 737 киши рўйхатга олинган бўлса, 2005 йилнинг атиги олти ойи мобайнида 20 минг 407 нафар бемор рўйхатга олинди.

Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Рўзигул Сафарова алюминий заводининг атроф-муҳитга кескин салбий таъсир кўрсатаётганини қуйидаги далиллар билан ифодалади:

—Тожикистон алюминий заводининг атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсирини ўрганиш, назорат қилиб туриш мақсадида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, гидрометереология бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати ҳамда Сариосиё туманлараро "Табиатни кузатиш мониторинг" марказлари биргаликда иш олиб бормоқдалар. Таҳлил натижалари ўрганилганда, вилоятнинг шимолий туманларида атмосфера ҳавосининг заводдан чиқаётган фтор водороди билан ифлосланиши ошганлиги маълум бўлди. Масалан, фтор водороди Сариосиё туманидаги "Дашнобод" ширкат хўжалигида белгиланган меъёрдан 1,70-1,75 марта, Денов туманидаги Ш.Қобилов номли ширкат хўжалигида 1,3-1,4 марта, А. Темур номли ширкат хўжалигида 1,66 марта, Олтинсой туманидаги "Ҳайрондара" ширкат хўжалигида 1,15 марта ортиқлиги аниқланди. Алюминий заводининг ўта зарарли таъсири натижасида вилоятнинг шимолий ҳудудларида қишлоқ хўжалиги, чорвачилик катта зиён кўриб келмоқда. Молларнинг тишлари тўкилиб маҳсулдорлик кескин камайди. Заводнинг зарарли таъсири доирасидаги манзилларда одамлар ўрик емай қўйдилар. Чунки умид билан барг ёзиб, гуллаган ўриклар айни саратонда барги хазон бўлади. Дашноболнинг довруғи оламга ёйилган анорзорлари бугунги кунда батамом заволга юз тутди. Айтаверсак, дард кўп, лекин дармон қани!..

Ўзбекистон Республикаси «Экосан» халқаро ташкилотининг Сурхондарё вилояти филиали директораи Шайдулла Болтаев шундай дейди:

- Дард устига чипқон деганларидек, Тожикистон тарафдан яна ташвишли хабарлар кела бошлади. Тортиб келаётган шунча зиён, азиятларимиз камлик қилганидек Тожикистон алюминий заводида яна қўшимча блоклар ишга туширилиши устида жиддий ишлар бормоқда., «Русский алюминий» компанияси ва Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасида Хатлон вилоятида заҳар пуркайдиган яна бир алюминий заводи қуриш ҳақидаги битимга келишлари Сурхондарё осмонида қора булутларнинг янада қуюқлашаётганидан дарак беради. Агар иккинчи завод ҳам қуриб ишга туширилади ган бўлса, у ҳолда Сурхон воҳасида хотиржам яшаб бўлмаслиги турган гап. Шундайига ҳам шимолий туманлар аҳолиси, табиати заводдан тарқалаётган заҳарли газлардан катта талофат кўрмоқда. Кўрилаётган бу зарарни пул билан асло ўлчаб бўлмайди. Демоқчимизки, талофатнинг меъёри, бугунги ҳолати шу қадар каттадир. Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, бизнинг ташкилотимиз Узун, Сариосиё, Денов туманлари аҳолисига беғараз мурувват ёрдами кўрсатиб келмоқда. Шу йил бошидан бери алюминий заводининг зарарли ва заҳарли таъсири ҳудудида яшаб келаётган аҳолига қарийб 80 миллион сўмлик ёрдам кўрсатдик. Кўрсатилган беғараз ёрдам таркибида болалар ва катталарнинг кийим-кечаклари, дори-дармонлар, ширинликлар, чойшаблар бор. Шу йилнинг 31 июл куни республика «Экосан» Халқаро ташкилоти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси темир йўллари акциядорлик компанияси ҳамкорлигида «Экосан» саломатлик поезди Сурхон воҳасига ташриф буюрди. Поезд билан бирга 40 миллион сўмлик беғараз ёрдам ҳамда ўн олти нафар малакали шифокор ҳам келди. «Экосан» поезди вилоятимизда саккиз кун бўлиб, заводдан азият тортаётган аҳолига беғараз ёрдам улашди. Шифокорлар эса қарийб саккиз минг нафар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди, амалий ёрдам беришди. Бир сўз билан айтганда, вужуди, кўнгли Тожикистон тарафлардан эсаётган заҳарли шамоллардан узоқ йиллардан буён озор тортиб келаётган юртдошларимизга қўлдан келгунча амалий, маънавий кўмак бериб келаяпмиз.

Экология ёхуд яна Тожикистон алюминий заводи хусусида

Бизнинг изох: ***мутахассисларнинг, мутасадди одамларнинг айтган бу гаплари, келтирган далиллари, рад этиб бўлмас рақамлари яна бир карра шуни исботлайдики, сурхондарёликларнинг «бош оғриги» тобора кучайиб бормоқда. Эчкига жон қайғуси, қассобга гўшт... деганларидек, бир қисм одамлар заҳар заводи қуриб, ишлатиб миллион-миллион доллар фойда кўриши эвазига сурхондарёликлар бугунги ва эртанги насл, тоза табиат қайғуси билан яшашмоқда. Кимларнингдир ҳузурбахш ҳаёти учун бошқа бировларнинг азият тортиши адолатнинг, инсонпарварликнинг қайси бир мезонига тўғри келади?! Эндиликда шу нарса ойдин-равшан кўриниб турган ҳақиқатки, сурхондарёликлар экология билан боғлиқ улкан муаммолар қуршовида қолишди. Фақат соғлом ақл, тафаккур билан ва қолаверса, қатъиятқорлик билан бу қуршовдан чиқиб кетиш мумкин.***

А. МАҲМУДОВ,
Туркистон—Пресс.

ОНАЖОНИМ—ОФТОБИМ

Олма

Қизлар она уйини қачон соғинади?

"Қувончли кунларида - онасини суюнтириб, шодликларни она уйдагилар билан баҳам кўргиси келади.

Ҳаёт ташвишларидан куюниб кетганида-юпанчу малҳамни она уйидан топадигандек талпинаверади.

Бирор жойи оғриб безовта қилса, дардига давони ҳам, ранжига шифони ҳам яна ўша она уйидан кутиб интилади. Аслида оналарнинг меҳрибон нигоҳлари-ю, ширин сўзларининг ўзи минг дардга даво.

Менинг ҳам ютуқларимдан суюниб, ташвишларимдан куюниб, изтиробга тушадиган меҳрибон онажоним эдилар. Энг керакли насиҳатни ҳам, турмушнинг ширин-аччиқ сабоқларини ҳам онадан олар эдим. "Иссиқ жон-да", бирор ерим оғриб қолса, жон озиғи-малҳамни, дори-дармонни излаган, куйиб ўртанган ҳам онам бўладилар. "Ошқозонинг оғриса, кўпроқ олма е. Олма овқатни ҳазм қилади. Жигилдонни қайнатмайди", дея қишин-ёзин олма асраб қўярдилар.

Ҳовлимизда катта ўрик дарахти бор. "Юракнинг дориси - ўрик, туршак, қориннинг дориси - мағиз, данак", дея ёзда ўрикни, қишда эса ёз бўйи йиққанлари - туршагу данакни илинардилар.

Олмаю ўрикларнинг барглари хазон бўлган маъюс куз кунларининг бирида доно, маслаҳатгўй волидамиздан ажралиб қолдик. Уз бандини тарк этган хазонлар мисол онажоним ҳам биз фарзандларини тарк этдилар. У кишини касалхонадан беозоргина қилиб олиб келдик.

Юрак нолишларининг адоғи йўқ, дил фарёдимиз чексиз. Биз учун гуё оламнинг устуни қулаб тушгандай. Онажоним шунча йил яшаган уйларига энг сўнгги бор, бир кунлик меҳмон бўлиб келдилар. Онажонимни сўнгги манзилга элтишдан олдин меҳмон кўрпача солмоқчи бўлиб, қути устидаги кўрпачалардан олдим. Шу пайт... кўрпачалар орасидан қип-қизил икки жуфт олма тушиб, тўрт томонга юмалаб кетди. Бу-онажоним менга илиниб асраб қўйган олмаларнинг энг сўнггиси эди...

Шундан буён қанча-қанча олмаю ўриклар пишди. Бироқ ҳеч ким...

Раҳима СОДИҚОВА

Кўнғироқларингиз...

ҚАЛБИ НУРГА ТЎЛА



- Опа, кўзойнак тақиш айбми? дея йиғлаб гап бошлаб қўнғироқ қилган жувон.

- Айбмас, лекин нега бундай деяпсиз, биров сизни кўзойнак таққанингиз учун мазах қилдими? Тинчланиб, бошдан тушунтиринг.

- Бир ўғил, бир қизим бор. Иккаласининг кўзлари унча кўрмайди. Шу туфайли дилим вайрон. Тўғри бегона ёки таништларим ҳеч ҳам бу ҳақда кўнглимга тегадиган гап қилган эмас. Аммо, ўзингники тешади, деганларидек, нуқул эрим ёки ўзимнинг қариндошларимдан эшитаман.

- Инсонинг соғлиги ёки тақдиридаги нуқсонидан кулиш калтафаҳим инсонларнинг иши...

- Айтганингиздек, бунга унчалик парво қилмай юрардим. Аммо кеча эрим бу ҳақда гапирганда "тамом" бўлдим.

- У нима деди?

- Бу камчилик асли онамда бор. Лекин бизга ўтмаган. Опа, укаларим фарзандларининг болаларида ҳам бу нуқсон йўқ. Эрим эса кеча ичиб келиб, сенинг уруғингда бўлгани учун менинг болаларимнинг кўзи кўрмайди, деб мени урди. Ахир мен нима қилай?! Болажонларимнинг кўзларига нур ато этиш қўлимдан келганда эди...

- Фарзандларингизни дўхтирга кўрсатганмисиз?

- Жуда кўп марта.

- Улар қандай ташхис қўйишган?

- Кўриш қобилиятининг сустлиги наслдан ўтмаганлигини, балки ҳомиладорлигимда ниҳоятда қоним кам бўлганлиги ва яхши овқатланмаганлигим сабаб дармондорилар етишмаслиги оқибатида болалар нимжон ва кўриш қобилияти паст бўлиб туғилганлигини айтишган.

- Ҳомиладорлигингизда камқон ва дармонсиз эдингизми?

- Ҳа, ўша пайтда бир бурда нонни ҳам эрим минг миннат қилиб берарди. Аммо тахламтахлам пулларни йиғарди. Дўхтир: «яхши овқатлан, даволан», деб айтди десам, «Улар айтайверади, ҳеч нарса қилмайди», дерди. Ҳатто туққанимдан кейин ҳам яхши овқат ея олмадим. Ёш эдим, эр дегани шу бўлса керак, деб кўниб яшайверибман. Болам чириллаб йиғларди, эримнинг урушишидан қўрқиб, тинчлантиришга ҳаракат қилардим-у унинг очликдан йиғлаётгани хаёлимга келмасди. Сутим ҳам йўқ эди.

- Нечи ёшда турмушга чиққансиз?

- Ўн етти ёшимда оила қурдим. Қайнонам ўтиб кетган. Биз Тошкентда яшаганмиз. Онам олисда, бир маслаҳатгўйим бўлмаган. Энди эса барча нарсамиз етарли. Эрим бизнинг еб-ичишимиздан қисиб, топганини қишлоққа укаларига жўнатаверди. Ахири болаларим эсини таниб қолгач, ноилож бозорга чиқдим. Аввал писта-қурт сотдим. Бир-икки йилдан кейин озиқ-овқат, кийим-кечак, дегандай. Мана ҳозир икки-учта шахсий дўконларимиз бор. Ҳовли сотиб олдик, ўғлимга алоҳида уй, машина олиб қўйганмиз. Аммо не-не дўхтирларга кўрсатсак-да, фарзандларимнинг кўзини даволай олмадик. Вақтида танамиз соғ бўлиб, дармондориларга тўйинган бўлганида, эрим овқатдан бизни қисмаганида, болаларим шу аҳволга тушмасди. Мана пул ҳам топиларкан, лекин соғлик...

- Бу ҳақда турмуш ўртоғингизга айтганмисиз?

- Неча марта гапирганман. Кеча урганида юзига айтдим, аммо, тан олмайди. Таниш- билиши, қариндошларининг олдида изза бўлаётганмиш. Буларга ҳеч ким қизини ҳам бермайди, келин ҳам қилмайди, деди. Бу гапларни эшитган ўғлим билан қизимнинг қай аҳволга тушганини бир тасаввур қилинг-а, ахир, улар айни балоғат ёшида бўлса.

- Эрингиз номаъқул гапни айтибди. Ношукрлик қилибди. Болаларингизнинг озгина кўриш қобилияти суст экан. Ахир бутунлай кўрмайдиганлар, юролмайдиган, эшитмайдиган, гапиролмайдиганлар бор. Ахир болангизнинг ақли бут бўлса. Турмуш қуриш эса Тангридан. Тўрт мучаси соғ бўлмай, бахтли ҳаёт қурганлар, аксинча соғлиги беками-кўст, лекин, турмушидан бахти йўқлар ҳам бор. Фарзандингизнинг келажагидан ҳукм чиқариш эрингизнинг қўлида эмас.

- Мана бу гапингиз дилимга малҳам бўлди.

- Сингилжон! Бу мавзуда ким гапирса ҳам парво қилманг. Фақат болаларингизга яхши тарбия беринг. Билимли, одобли, ишбилармон қилиб ўстиринг. Бир кун келиб фарзандларингиз ҳамма ҳавас қиладиган бўлиб етишади. Ана шунда ўша гапирганлар тилини тишлаб қолади. Муҳими уларнинг қалби нурга тўла бўлсин!..

МАТЛУБА

Ташрифларингиз...

БУ ИШҚ - БАХТМИ, ҚУЛФАТМИ?

Хонамизга кириб келган кўзлари мунгли аёлнинг бесаранжонлиги мени ташвишга солди. У ўзини "Наргис" деб таништирди-да юрагини кемираётган дардларини тўкди:

- Фарҳоднинг исмини эшитганимда сочимдан тирноғимнинг учигача музлаб кетарди. Фарҳодни қаттиқ севганлигим учун, гап-сўзлардан қўрқиб ундан бўлган тўрт ойлик боламни олдиришга кўндим. Олийгоҳни битиргач, ниятимиздек тўйимиз ҳам бўлди. Ҳеч нарса кўрмагандек ҳаммаси жой-жойига тушиб кетди. Аммо... 5 йилдирки, Худо бизни фарзандсиз қисди. Бормаган жойим, учрашмаган шифокорим қолмади. Бошимда мени фариштадек кутиб олган қайнонам "Ҳамма ишингиз яхши. Одоб-ахлоқингиз ҳам жойида. Лекин ўғлимга битта бола туғиб беролмасангиз, сизни ушлаб туролмайман",- деб рўйи-рост юзимга айтди. Шифокорлар мени пуштсизликда айблаб, даволанишим бефойда эканлигини айтаяпти. Қадрдон бўлиб қолган, бу хонадондан на кетишни на қолишни билмаяпман.

- Бошингизга тушган бу кўргиликлар қилган хатоларингиз эвазига эмасми...

- Ўшанда ёшим 18 да эди. Университетнинг биринчи курсида ўқирдим. Зиёфатларнинг бирида Фарҳод билан танишиб қолдим. Бошида юртдош сифатида дўстона учрашиб юрардик. Аста-секин бир-биримизни кўрмасак туролмайдиган бўлиб қолдик. Янги йил куни Фарҳод мени уйига таклиф қилди. Ўша тунги ўйин-кулгу ҳаётимни дўззахга айлантирди. Фарҳоднинг оиласи ўқимишли бўлгани учун бу шармандаликни кўтаролмаслигидан, отамнинг қаҳридан ҳайиқиб, фарзандимдан воз кечишга кўнгандим. Энди эса азобини тортаяпман.

- Онангиз билан маслаҳатлашганингизда муаммоларингиз ечими топилармиди?

- Ўзим тушуниб тушунмаган ҳолда хомиладор бўлиб қолдим. Боладан қутулганимга, бўлиб ўтган гапларни онам сезмаганлигига хурсанд эдим. Онам: "Қизим пойтахтда ўқиб юрибди", деб менга қаттиқ ишонарди. Тўрт ойдан сўнг озиб-тўзиб қишлоққа қайтдим. Онамнинг юраги ниманидир сезгандек ховотирланди. Аммо, ўшанда ҳам ёмон хаёлга бормаган.

- Ҳар қандай ҳолатда ҳам болани олдиришдан, уволидан қўрқмадингизми, Оғринмадингизми?

- Операциядан чиқиб, ғалати туш кўрибман. Тушимда қўлимдаги бир сават тухумни синдириб қўйган эмишман. Бунга унча аҳамият бермаган эдим. Лекин дилим хуфтон бўлган. Энди билсам ўша пайтда Худойим қилган гуноҳларим учун фарзандсизликни пешонамга ёзган экан. Виждон азобида ёнаяпман.

- Ишқингиз сўндими? Эрингиз ажралишга кўнибди?

- Оиламни сақлаб қолиш мақсадида бирорта бола олиш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қилдим, курашдим. На қайнонам, на эрим кўнди. Эрим бошқасига илакишиб қолган кўринади. Ўз-ўзидан мендан кўнгли совиди. Муҳаббатим нафратга айланди. Оилали бўлганд кейин дилни-дилга муҳаббатнинг ҳою-ҳаваси эмас, фарзанд пайванд қилар экан. Буни кеч англадим.

- Энди нима қилмоқчисиз?

- Умидларим сўнмаган. Оиламдан ажрашишни хоҳламайман. Ҳаётимда мўъжиза рўй беришига умид боғлаб, оиламдан кетмаяпман. Танлаган йўлим тўғримикин?

Азиз мухлис, инсон борки, умри давомида адашади, алданади, янглишади. Наргизнинг изтироблари ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Уни тўғри тушуниб, фикр ва мулоҳазаларингизни билдирасиз, деган умиддаман.

Адиба УМИРОВА

Қулоққа чалинган гап

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Автобус бекатдан қўзғаларкан, рўпарамга икки киши келиб ўтирди. Биттасининг сумкасидан арра, болта, яна шунга ўхшаш қурилишда ишлатиладиган асбоблар кўриниб турарди.

- Асрорали ака, анчадан буён кўринмайсиз, у ёқ-бу ёққа бориб дам олиб келдингизми, дейман-а? - дея сўради ўрта ёшли киши ёнидагисидан. -Сиз бўлмаганингизга анча қийналдик. Эртага тўғри юқори маҳалллага, ўша уйга ўтаверасиз-да...

- Қайдам...- иккиланди ранги бир ҳолатдаги, анча ҳорғин киши. - Иш кўп, лекин беш нафар ўғил ўстириб ҳам, теша-арра кўтариб юриш... Икки ой бўлди, Алижон исмли киши янги қурилган уйининг шифти билан полини қоқиб беришимни сўради. Мўмайгина пул ҳам ваъда қилди. Кичик ўғлим тўй қилаётганди. Шунга ёрдам бўлар, деб рози бўлдим. Бир ҳафтада ҳаммасини қўлдан чиқардим. Кечки пайт уйга кетишга тараддудланиб турсам, томда ишлаётган усталар карнизни тўғрилай олмай қийналишаяпти. Виждоним чидамасдан чиқиб ўзим тўғрилай бошладим. Ишимни тугатиб пастга тушаётсам нарвон қийшайиб, пастга ағдарилдим. Оёғим нарвоннинг орасида қолиб, тўпиғим дарз кетди. Уй эгаси яхши йигит экан. Тошкентдаги касалхоналардан бирига олиб келди. Пенсияга чиқишимга ҳали бир йил бор бўлгани учун ишлаб тургандим. Йиқилганимдан сўнг оёғимни гипслашгач, икки ҳафта касалхонада ётдим. Ана шунда ўзимга ачиндим, ҳўрлигим келиб йиғладим. Ўша йигит билан хотини келиб дори-дармон, овқат олиб келишиб хабар олиб туришди.

Аммо!.. Кеча-ю, кундуз ишлаб ҳеч кимдан кам қилмай ўстирган ўғилларим келмади. Бир куни бригадамиздаги йигитлар майда-чуйда кўтаришиб келиб қолишди.

Мен ҳалиги Алижонга бориб ишхонамдан маошимни олиб келиб беришини сўраб тилхат ёзиб бергандим. Чунки, ишхонадагилар касалхонага тушиб қолганимдан хабарлари йўқ эди. Улар ҳайрон бўлишибди. Оқибатли инсонлар экан, бир неча марта келиб кўриб кетишди. Бошлиғимиз ҳам келди. Ёрдам пули йиғишган экан: «Дори-дармонга ишлатарсиз»,-дея қўлимга тутқазди.

Иккилана-иккилана: «Асрорали ака, ўғилларингиз билан қандайсизлар? Узилишиб кетмаганмисизлар?» - деб сўради. Мен аёлим вафот этганидан буён йиғламагандим. Шу гапни эшитиб йиғладим...

Ўзим устаман, ҳар бир ўғлимга ер олиб, уй қуриб бердим. Емай-ичмай шуларни ўйладим. Раҳматлик хотинимни ҳам тузукроқ дўхтирларга қарата олмадим... Охири эса ўзим яшаб турган хоналарни ҳам кичик ўғлимнинг болаларига бўшатиб бердим. Ҳовли этагидаги молхонани бузиб, икки уй, бир айвон солдим. Шу ерга келин бир коса овқат қўйиб кетади. Эрталаб чой-пойимни ўзим дамлаб, барвақт ишга кетаман. Оғир меҳнатдан қаддим букилиб, эрта қаридим. Устига-устак манави фалокатни қаранг...

- Демак, ўғилларингиз сизни излашибди, хавотирланишгандир-да?

- Йўқ, уйни ўғлимнинг номига ўтказишим керак эди. Паспортим билан ўзим керак эдим. Мана, уйга келганимга ҳам уч кун бўлди. Бирортаси келиб ҳолимни сўрашмади. Бозордан майда-чуйда қилиб келаяпман. Ҳеч ким кексайганда ёлғиз қолмасин экан... Болаларимни яхши едириб-ичирибман, кийинтирибман, аммо бир нарсада, яъни тарбияда хатога йўл қўйибман-да...

Аллақачон йўлга тушган автобусда силкиниб-силкиниб кетарканмиз, у кишининг гапларига ич-ичимдан қўшилдим. Баъзи нарсаларда хатога йўл қўйсак тузатиш мумкиндир. Аммо, бола тарбиясини бошқатдан бошлаш учун вақтни ортга суриб бўлмайди.

ГУЛБАШАКАР

ШИРИН СЎЗИНГИЗНИ АЯМАНГ

Мастура опа! Гулчирой 3 ойлигида, яъни, отасини танимай туриб, ота деган буюк зотдан, унинг меҳридан жудо бўлиб, ҳаётнинг аччиқ зарбасига учрабди. Кўзингизнинг оқу қораси биттагина қизингизнинг кўнглига қаранг. У эрка бўлиши билан бирга ақлли, зийрак қиз экан. Чунки, у эсини танигач, ўз отасидан "ундай қизи йўқлигини" эшитганида қай ҳолатга тушганини бир ўйлаб кўрдингизми? Бу ҳолат унинг кўз ўнгида намоён бўлган. Ўз отасидан жуда-жуда нафратлана бошлайди. Ўз отасидан меҳр кўрмаган қиз ўгай отадан меҳр кутмайди. Унинг ҳар бир гапи Гулчирой учун гўёки кичик ёки ҳақоратдек туюлаверади. Шунинг учун ҳам у: "Ҳамма оталар бир хил", дейди. 14 йил ота меҳрига зор бўлган, қизнинг ўгай отага ўрганиши, кўникиши жуда қийин. Ўгай отаси ҳар қанча яхши гапирмасин уни тушунмайди ё тушунишни истамайди. Ўз отаси бермаган меҳрни унга ўзга бир инсон беролмаслигини яхши билади. 14 йил отасиз ўсибди. 14 ёшгача дугоналари отаси "Қизим", деб бошини силаб, эркалатганида у қай аҳволга тушганини тасаввур қила оласизми? Шу йиллар ичида кимлардир унинг отаси йўқлигини таъна қилгандир? Буни фақат бошидан ўтказган инсонгина билади, тушунади. 22 ёшимда отам вафот этди. Кўплаб қариндошларим бир умр бошимда парвона бўлсалар ҳам уларнинг бундай меҳрибонликларини отажонимнинг "Қизгинам", деб айтган бир оғиз ширин сўзига алишмайман.Гулчирой бир умр ота меҳрига зор бўлиб, ўтишини ўйлагани сайин ўз оиласига бўлган нафрати янада ошиб бораверади. Шунинг учун 14 ёшда уйида пайдо бўлиб қолган бегона эркакни "Ота", деб айтолмайди. Гулчирой турмуш қургач оила, болалар ташвиши билан бўлиб, сизнинг ҳаётингизга аралашмайди. Сиздан ва турмуш ўртоғингиздан кечирим сўрайди. Сиздан илтимосим, Лазиз акангиз билан келишиб вақтинча алоҳида яшаб туринглар. Турмуш ўртоғингиз сизни севади, сизни тушунади ва бунга албатта рози бўлади. Сизлар ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотгансиз. Гулчирой эса ҳали ёш. Агар унинг фикрига қарши турсангиз, бир умр ота меҳрига тўймаган қиз гўёки она меҳридан ҳам бебаҳра қолаётгандек ҳис этади ва кечирмайди.

Мастура опа! Қизингиздан меҳрингизни дариғ тутманг. Унга фақат сизнинг меҳрингиз керак.

София НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти, Нарпай тумани.



"Юрагимга қарши яшолмайман" - 33-сон

ЭСЛАТМА: Иккинчи турмушимдан розиман. Эрим жуда диёнатли инсон. Аммо, мени қийнаётган нарса қизим билан ўгай отасининг орасидаги тушунмовчилик. Яқинда қизим менга: «Ё мени танланг, ё эрингизни», деди. Мен эса нима қилишга ҳайронман.

Муаллиф Алиба УМИРОВА.

Ҳаёт инсонни турли сўқмоқларга бошлайди, турли синовларга дучор қилади. Ана шу синовларга бардош бериб, қийинчиликларни оқилона еча олганлар чинакамига бахтли яшай олишлари мумкин.

Мастурахон, турмуш экан, тақдир экан. Сиз ҳам ҳаёт мушкулотларига дучор бўлибсиз. Ёшгина бўла туриб фарзандингиз билан эрингиздан ажралишингизга тўғри келибди.

Тўғри, фарзанд - инсон ҳаётининг гули, Оллоҳнинг буюк инъомидир. Бор меҳрингизни, муҳаббатингизни қизингизга бағишлаб, эркалаб ўстирибсиз. Ҳам ота, ҳам она бўлгансиз. Осон бўлмагандир? Натижада қизим тантиқроқ бўлиб қолди деяпсиз. Бола азиз, одоби ундан азиз.

Агар сиз турмушингизда бўлган воқеаларни унутиб, қизингиз ёшлигидаёқ қайта турмуш қилганингизда эди, балки йўқотган ота меҳрини ўша одамдан топиб, кўникиб кетармиди?

Афсус, бундай бўлмабди. Қизингиз ўн тўртга чиққанида турмуш қилибсиз. Сиз она сифатида қизингизнинг ҳолини ҳам тушунишингиз керак. Ўн тўрт ёш - балоғатга ўтиш, ўзгариш, етилиш бўсағаси ҳисобланади. Уларда ҳам психологик, ҳам физиологик ўзгаришлар бошланади. Бу ёшда улар турли яхши ва ёмон ўзгаришларга таъсирчан бўлиб қоладилар. Қизингизда ҳам ана шундай ҳолат юз берган бўлиши мумкин.

Ҳар бир болага ўз отаси керак. Шу боис қизингиз ҳам ўз отасини қидириб топган. Ундан моддий мадад эмас, меҳр-муҳаббат кутган. Лекин, бунинг акси бўлиб чиққан. Бу эса мурғак, орзу-умидларга лиммо-лим юрагини чил-чил қилган, ҳаётга умидсизлик уйғотиб кишиларга нисбатан ишончсизлик пайдо қилган. Унинг юрагидаги ана шу ишончсизлик ўрнини меҳр-муҳаббат, ўзаро ишонч эгалламас экан, бу ҳол шундай давом этаверади, деб ўйлайман.

Мастурахон, сиздан аввалambor қизингизни тушунишингизни, яна озгина сабр қилишингизни сўрайман. Фарзандингиз балоғатга етиб қолибди. Ҳадемай турмуш қурадиган вақти ҳам келиб қолади. Қўш қўллаб ҳам отали, ҳам онали бўлиб узатилса, ана шунда билади, ана шунда тушунади. Агар тез орада фарзандли бўлса, сизнинг қадрингизга янада етади. Оила муқаддас даргоҳ эканлигини билиб олади. Қарияларнинг: "Она бўлмай - она, ота бўлмай - ота қадрига етмайсан", деган гапи бор-ку. Болангизнинг кўнглига қараб, зинҳор ва зинҳор қаро кунларингизда ҳаётингизга нур бағишлаган инсон билан ажрашманг. Буни ҳаёлингиздан чиқариб ташланг. Энг асосийси, сизлар бир-бирингизга ишонар, бир-бирингизни тушунар экансизлар. Бу жуда муҳим. Турмушдаги жуда кўп келишмовчиликлар ана шу бир-бирини тушунмасликдан келиб чиқади, аслида. Лазизжон ҳам барча нарсаларга эътибор бермай, қизингизга ота бўлишга, уни тушунишга ҳаракат қилаётган экан. Бу катта гап. Ҳаётингизнинг ҳимоячиси, оилангиз таянчи, тиргаги турмуш ўртоғингизни эҳтиёт қилинг. Ҳар нарсага вақт улуғ ҳакам. Вақт даволовчи. Қизингиз эса борган сари улғайиб бормоқда. Бир кун келиб қизингиз оёғингизга бош уриб:

- Кечиринг онажон, ақлсиз қизингизни. Сизга кўп озор етказдим. Ҳаммасини энди тушундим, - деса ажаб эмас. Фақат ўша дамда юрагингиз кечиримга мойил бўлса бас.

Шу ўринда Гулчиройга ҳам озгина гапим бор.

Азиз қизгина! Сиз ҳали жуда ҳам ёшсиз. Қалбингиздаги бу ғазаб, нафрат ва ишончсизликдан қутулишга ҳаракат қилинг. Сизнинг айни ўйнаб куладиган, дўстлар, танишлар орттирадиган, яхши касб эгаси бўладиган вақтингиз. Ёшлигингиз кўз очиб юмгунингизча ўтиб кетади. Ўтаётган ҳар кунингизнинг қадрига етинг.

Панжангизни стол устига ёйиб қўйинг-да, бармоқларингизни бир кузатинг. Беш бармоғингиз баробар, тенг эмас. Оллоҳ инсонни шу қадар мукаммал яратса-да, беш бармоғини тенг қилиб яратмаган. Шундай экан, ҳаётда учровчи инсонларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Бармоқлар сингари ҳар хил. Биргина отангиз сизда ҳаётга, инсонларга нисбатан ишончсизлик уйғотган экан, ҳамма ана шундай виждонсиз, худбин ва уятсиз дегани эмас.

Ҳамиша тажанг ва хафа бўлиб юраверсангиз, ёруғ кунингиз ҳам қоронғу тундай, ёмғирли кундай бўлаверади. Бундай кетаверишда ўзингизнинг ҳаётингиз нима бўлади? Ишончли дўст, севикли ёр топишингиз қийин бўлмайдими?

Ўгай отангизга илиқ табассум ва меҳр кўзи билан бир қаранг. Ишончим комил, қизим деб бағрига босиб, борини тортиқ қилишга тайёр бўлади. Ана шунда биргина табассумнинг кучи қанчалар эканлигини тушуниб етасиз. Қийинчилик, ёлғизлик билан сизни вояга етказган онангизга бунчалар жабр қилаверманг. Уни ҳам тушунинг. Ёлғизлик нима эканлигини сиз балки билмассиз?.. Бир муддат кўзингизни юминг-да, фараз қилинг. Онангиз ҳам, отангиз ҳам, яқинларингиз, дўстларингиз ҳам йўқ. Бутунлай яккаланиб қолгансиз. Гаплашай десангиз дўстингиз, дардлашай, сирлашай десангиз онангиз йўқ. Ишдан, ўқишдан ҳориб-чарчаб келиб, уйингиз эшигини очсангиз-у, уйда сизни ҳеч ким кутиб олмаса... Бундан даҳшатли нарса бўлмаса керак. Робинзон Крузодек ўзингизни, ўзлигингизни, ҳатто тилингизни унутиб қўясиз. Бир оз бўлса-да, ваҳима босдими? Шунинг учун атрофингизда парвона бўлиб, сизга фақат яхшиликлар тилаб, бахтингизни ўйлаб яшаётган инсонлар қадрига етинг. Дилларини оғритманг. Қизгина, мана бу ривоятга эътибор қилинг.

Кунлардан бир кун Расулуллоҳ (с.а.в)дан сўрабдилар:

- Эй, Расули Акрам, нима учун шу даражада улуғ мавқега, обрў-эътиборга эга бўлган Имом Ҳасан, Имом Ҳусанлар охир-оқибат бу қадар аброр бўлиб, шахид кетдилар? - Расулуллоҳ (с.а.в) жавоб қилибдилар:

- Чунки, уларни дуо қилиб, балоқазодан асраб тургувчи оналари эрта вафот этиб кетган эдилар.

Ривоят мазмунини тўлиқ тушуна олсангиз хурсанд бўлар эдим.

Азиз, сингилжоним Гулчирой! Дуогўйингиз бўлмиш онангиз қадрига етинг, ҳурмат қилинг, кўнглига қаранг. Отангиздан ҳам бир оғиз ширин сўзингиз-у, табассумингизни аяманг. Келгусида ўзингиз ҳам албатта бахтли бўласиз деб ишонаман.

Яхши инсонларга нисбатан ишончингиз ҳеч қачон сўнмасин.

Меҳри ҚУРБОНБЕКОВА,
Тошкент шаҳри.

Акс-садо

АЁЛЛАРГА ҚИЙИН

Мақолани ўқиб чуқур мулоҳазага толдим. Нимадир ёзиш истаги туғилди. Домлага учраган ҳаёли аёл юзини кўрсатмай, мақсадини айтганда дуохон унга:

- Ёмон иш қилиб қўйдингми,- дейди.

- Йўқ, мен бундай одамлардан нафратланаман, - дейди аёл. Шунда домла ўзининг тул яшаётганини айтганда аёл:

- Сиздек инсонга бир умрлик чўри бўлардим-у лекин, мен иложсизман. Сизга турмушга чиқсам, болалар олдида қандай она бўлдим,-дейди. Қаранг, ҳаётимизда ана шундай андишали, ҳаёли, ор-номусли аёллар ҳам кўп. Аслида ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз. Лекин, яккалик, ёлғизлик Оллоҳга хос. Саноқли умрни тул ўтказиш, бехуда кетказишдир. Ҳайрон қоласанки, кўп 35-45 ёшдаги аёллар ўғил-қизидан, опасидан, қариндош-уруғидан истиҳола қиладими, уяладими, турмуш қурмай ўтаяпти.

"Азоблари каммиди ўзи"-33 сон

ЭСЛАТМА: Ҳузуримга мадад сўраб келган аёл билан тезда тил топишдик. Иккимиз ҳам ёлғизмиз. У аёлга уйланишга фарзандларим йўл қўймайди деб таҳликага тушсам аёл ҳам: «Сизга турмушга чиқсам, болаларим олдида қандай она бўламан»,-деб истиҳола қилаяпти.

Нима қилишга ҳам ҳайронмиз.

Имзосиз мактублан.

Аслида, отаси ўтган ўғил, бева онасига уч бор турмуш қуришни таклиф қилиши керак экан. Ёшу қарининг яшагиси, кийгиси, еб-ичгиси, ҳаёт берган лаззатлардан баҳраманд бўлгиси келади.

Қишлоғимизда беш-олти нафар, бир-икки фарзандлари билан тул қолган аёллар бор. Айримлари куёвиникида, айримлари ўғлини ўйлаб, ҳувиллаган уйда якка, ёлғиз қолди. Айрим аёллар ўз йўлини йўқотиб, боши берк кўчаларга кириб, ўзининг ҳам, жамиятнинг ҳам тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Шундай аёлларнинг Худога ҳам хуш келмайдиган иши оиладан, жамиятдан ҳам баракани қочиради. Аёлга тушган ғубор жамиятга ҳам тушади. Шу сабаб аёл таълим-тарбиясига, камолатига, ахлоқига алоҳида эътибор керак.

Нурбек РАҲИМ,
Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, "Сойбўйи" қишлоғи.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Фарзандимиз НОДИРАХОН!

Туғилган кунинг муборак бўлсин. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, омад тилаймиз.

Амакинг Эргашжон.

Қадрли бувижон! Таваллудингизнинг 70 йиллиги билан табриклаймиз. Оиламиз ҳамиша файзли ва саодатли бўлсин.

Фарзандларингиз номидан Тожиевлар оиласи.

АБДУРАШИД ака!

Сизни таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Иқболингиз баланд бўлсин. Умр йўлдошингиз Шохидахон, фарзандларингиз Дилшод, Дониёр ва Шаҳнозахон.

Устозимиз Муҳаррам опа АБДУЛЛАЕВА!

Таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда куч-қуввat тилаймиз.

Шогирдларингиз номидан-Вазирабону Қосимжонова ва Раъно Салоҳиддинова.

Қизим МУНИРАХОН!

Таваллуд айёминг муборак бўлсин! Бахту саодат, омад сенга ёр бўлсин. Узоқ умр ва оилавий хотиржамлик тилайман.

Ойижонинг Ўктамхон ва синглинг Азизахон.

ДУРДОНАХОН!

Сени 12 ёш ва мучал йилинг билан қутлаймиз. Бахтимизга кўзимизни қувнатиб, ҳамма ҳавас қилгудек оқила қиз бўлиб вояга етгин.

Аяжонинг Ҳалима, доданг Бахтиёр, аканг Дурбек ва синглинг Диёра.

ХОЖИАКБАР!

8 ёшинг қутлуғ бўлсин! Илоё, умринг узоқ бўлсин. Келгусида баркамол инсон бўлиб улғайгин.

Бобожонинг, бувижонинг, доданг, аянг, амманг, Малинахон ва Аҳмаджон.

Ҳурматли Рихсивой МИРСОЛИХОВ!

Сизни табаррук 60 ёшингиз билан қутлаймиз! Умрингиз узоқ ва сермазмун бўлсин.

Укаларингиз Турғунбой ва Иброҳимжон.

Азизим РАҲМАТИЛЛА!

Сизни ва рафиқангизни таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Ҳаётингиз сермазмун бўлсин!

Дўстларингиз номидан Иброҳимжон.

ЭЪЛОН! **"Бунянун-Марсус" ХФ нинг банкрот, деб топиш учун Тошкент шаҳар Хўжалик судига хужжатлар юборилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб, Юнусобод тумани ДСИ ходими Д.И.Тўлаганов тайинланган. Ушбу корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси-95 -уй. Юнусобод тумани ДСИ биноси, 2 -қават, 15 хонада қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2005 йил, 16 сентябр, соат 15. 00 да бошланади.**

Мурожаат учун ТЕЛЕФОН 135-87-26

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚНИНГ ТАРИХИ...

Биласизми...

Ривоят қилишларича, қадим замонларда бир бой яшаб ўтган экан. Унинг эса яккаю-ягона гўзал қизи бўлиб, унга кўпгина давлатманд бойлар, шаҳзодалар ошиқу-беқарор бўлишибди. Аммо, бой қизини ер-кўкка ишонмас ва келган совчиларга рад жавобини берар экан. Бойнинг тоғда жуда кўп қўйлари бўлиб, қўйларни бир чўпон йигит боқарди. Бойнинг гўзал қизи эса мана шу чўпон йигитга кўнгил қўйиб, у билан тез-тез учрашиб турарди. Чўпон йигит ҳам имкон топилди дегунча ўз севгилиси томон ошиқарди. Улар анча вақтгача шу тариқа пинҳона учрашиб юришибди. Кунлардан бир кун бой қизининг чўпон йигит билан учрашиб юрганидан хабар топибди. Бой элу-юрт олдида шарманда бўлгандан кўра қизини ўлдиришни маъқул кўради. Бой хизматкорларига қизини отнинг думига боғлашни буюради. Ҳеч нарсага тушунмаган хизматкорлар эса қизни отнинг думига боғлашади ва отга қамчи урадилар. Шунда от қизни қирадир томон тортқилаб, судраб кетади. Тошларга, ерга урилиб қизнинг баданидан қон оқади. Йўллари қип-қизил қонга бўялади. Мана шу қонга беланган жойлардан келаси йили қип-қизил лолақизғалдоқлар гуллайди. Буни кўрган одамлар, бу ерларда бир бой қизини отга бойлаб улоқ қилган дейдилар. "Қиз улоқ", "Лола қиз улоқ" дейишиб "лолақизғалдоқ" сўзи шундан пайдо бўлган экан. Лолақизғалдоқнинг ичидаги қора доғи қизнинг юрагидаги севги, армон доғи шундан қолган бўлса керак.

Жамшид ЭРГАШЕВ, ЎзМУ талабаси.

ҲИДНИ ЙЎҚОТМОҚ МУМКИН

Совутгичда пайдо бўлган, ёқимсиз ҳидни йўқотиш учун қора бўлка ноннинг бир бўлаги кифоя. Бундай нохушликнинг олдини олиш учун ўзидан ҳид чиқарадиган ва ҳид ннаб қоладиган озиқ-овқатларни қопқоғи ёпиқ идишларда ёки полиэтилен халталарда сақлаш лозим.

БАҚЛАЖОН ҲАҚИДА

Икра тайёрлаш учун мўлжалланган бақлажонни қиймалагичдан ўтказмасдан

Маслаҳатхона

ошхона комбайнида ёки тахтачада майдалаган маъқул. Агар уни қайнатмасдан, газ ичида пиширсангиз, ниҳоятда мазали ва димоғингизни қитиқлайдиган таомдан ҳузурланасиз. Бунинг учун бақлажонни паррак-паррак қилиб кесиб, тузлаб қўйинг. 5 дақиқадан сўнг уни чайиб ташлаб пиширсангиз, куйишдан сақлайсиз.

САНОБАР тайёрлади

«Оила ва жамият» ўгитномаси

ОИЛАСИНИ ЎЙЛАГАН ЭРКАК ...

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўнта гапдан юз сўм пул яхши, дейдиганлар кўпчиликни ташкил қилади. "Маънавий озуқа" - иккинчи даражали бўлмоқда. Аммо, ана шу пул... пул топиш деб аёлларимиз биз эркаклардан эпчилроқ, ишбилармонроқ бўлиб қолишди. Шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб, савдо-сотиқ қилиш ҳеч гап бўлмай қолди. "Бизнинг хотин пул топишга уста", - деб кеккайиб ҳам қўядиган бўлишди. Оилани боқиш керак. "Қора қозон ҳар куни қайнаши керак!" яратиб бериш сизга боғлиқ. Хотин билан хушмуомала бўлинг.

3. Уни айблашдан йироқ бўлинг. Ишидан нуқсон изламанг!

4. Аёллар либосни, башанг кийинишни хуш кўрадилар. Ёдингизда бўлсин. Улар бошқа (атрофдагилар, қариндошлар)ларнинг либосига эътибор қиладилар ва улардан ҳам яхшироқ кийинишга интиладилар.

5. Аёлингизни туғилган кунини унутманг. Совғами, гулми ҳадя қилишни, табриклаб, мақтаб қўйишни унутманг. Яхши гаплар айтиб, кўнглини олинг.

6. Қўполлик—худди рак касалига ўхшайди. Қўпол муомала, дағал сўз яхшиликка олиб келмайди. Балки, ширинсуханлик, чиройли сўзлар билан битмайдиган ишлар битиб кетар.

7. Оилада обрўингизни билинг. Аҳли аёлингизни ҳурмат қилинг. У билан ҳамсуҳбат бўлинг. Фарзандларнинг ўқиши, юмуши билан қизиқинг. Яхши маслаҳатни аяманг.

Хуллас, юқоридаги етти қоидани амалда бажарсангиз, демак мақсадингизга етасиз.

Мунаввар Аҳрор Хожи Зуннун.

Аммо, айрим эркаклар имконият қидирмайди. Қани энди дўппини бир четга қўйиб, мулоҳаза қилайлик. Пул топмаяпсанми, демак, ё дангасасан, ёинки имконият излашдан йироқсан. Демак, иллат ўзингда. Оиласини, хотинини бахтли бўлишини истаган эркак етти қоидага амал қилиши жуда муҳимдир. Америкалик олим, Дейл Карнеги уқтиради:

1. Ҳар қандай вазиятда ҳам аҳли аёлингизга зулм қилманг. Уни камситманг. Бекордан-бекорга унинг камчилигини, айбини юзига солманг. Чунки, у ҳам одам, ҳам билганича яшамоқда. Уни "ўзгартиришга" интилманг. Бу бефойда.

2. Уни севинг. Яшаши учун шароит

ҒОЙИБДАН ХАБАР

туш таъбирномаси

Раҳматулла ака уста. Музлатгичларни тузатади. Мижозларидан бирининг музлатгичига янги агрегат қўймаса бўлмас экан. Сотиб олай деса анча пул туради. Сал ишлайдиганини қўйиб берса кўп ўтмай бузилади. Обрўси тушади. Мижоз юз ўгиради. Шундай ўйлар билан ётса туш кўрибди. Кимдир уни ҳовли тўрига бошлаб борибди-да, ҳар хил ташландиқ нарсалар уюмини кўрсатиб: "Тагини очсанг, иккита янги агрегат бор", - дермиш.

Эртаси куни ўша жойдан махсус қутилардаги иккита агрегатни олибди. Биттасини музлатгичга қўйиб, даромад олади. Эсласа, 12 йил муқаддам бу агрегатларни шу жойга ўзи қўйган экан. Хизмати эвазига бир таниши тортиқ қилган экан. Уста эсига туширгани учун ғойибий кучлардан миннатдор.

* * *

Яна бир куни тушида ташландиқ музлатгич қутилари ичини қараб юрган эмиш. Бир қути ичидан саккиз дона тухум топиб олибди. Бу куниси ташландиқ музлатгич қутиси ичига қараса, ҳеч вақо йўқ. Туши алдамасди. Ҳайрон бўлиб иккинчи музлатгич қутиси ичига назар ташласа саккиз дона оппоқ тухумлар турганмиш. Қувонч билан уларни Раҳматулла ака йиғиштириб олган экан.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ

Навоий вилоят телерадиокомпанияси масъул ходими, меҳрибон, самимий инсон **Малика ТЎХТАЕВАнинг** вафоти муносабати билан, унинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этамиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

Об-ҳаво маълумоти Ўзбекистонда ҳаво кам булутли бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 14-19°, кундузи 31-36° бўлади.

МУНАЖЖИМЛАР

ҚЎЙ (21.03 — 20.04).- Бу ҳафтада катта тадбирда қатнашасиз. Дўстларингиз билан учрашиб, кайфиятингиз янада чоғ бўлади.

Бировга яхшилик қилиш ўзидан ўзи бўлмайди, албатта, кўпинча ўзингдан, ўз вақтинг, ўз манфаатингдан кечишга, машаққат чекиш, ҳижолат бўлиш, кимлардандир сўраш, илтимос қилиш, гоҳида ялиниб-ёлвориш эвазига бўлади.

Донолар: "Одамлар ҳамма нарсадан кўра, кўпроқ яхшиликни тез унутиб юборишади!" дейишган.

Мен эса азиз болажонларим, бу фикр ҳақиқатдан тўғрилигини тасдиқлаган ҳолда "Нега шундай?" деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрдим.

Бу менимча, инсон феълидаги қусурлардан бири бўлса керак. Чинданам одам қачондир, кимдандир кўрган яхшилигини эсидан чиқариб юбориши мумкин. Лекин, кимдандир қачондир кўрган ёмонлигини унутиш қийин. Эҳтимол инсон боласи ҳамиша меҳрга муҳтожлиги учундир. Нима бўлганда ҳам одам ҳар доим, ҳаммага яхшилик қилгани маъқул. Одатда кимгадир, қачондир, қандайдир яхшилик қилсангиз, унинг ўзидан қайтмаслиги мумкин, аммо, бутунлай бошқа томондан албатта қайтади. Мен бунга кўп бора гувоҳ бўлганман. Шунинг учун ҳам бировга қандайдир яхшилик қилган-да - хоҳ қўлингиз билан, хоҳ йўлингиз билан, жуда бўлмаса, икки оғиз ширин сўзингиз билан кўнглини кўтарганингизда "бунинг жавоби нима бўларкан?", деган таъмани хаёлингизга келтирманг, азиз болажонларим. .

(Давоми бор)

Мансур АЛИЕВ

СИРЛИ МУҲАББАТ

Турмуш чорраҳаларида

Сиҳатгоҳда даволанаётиб, хонамдаги аёл билан сирдош бўлиб қолдик. Бир куни у менга марҳума жиянининг бошидан ўтганларини унинг ўз номидан сўзлаб берди.

...Болалигимда онам билан 4 қаватли уйда яшардик. Уйнинг катта ҳовлиси бўлиб, ёнидан сой оқиб ўтарди. Биз болалар ёзда сувда чўмилиб, қишда кўприкдан ўтиб мактабга қатнардик. Оиламиз икки кишидан иборат бўлиб, отам оғир касалликдан эрта оламдан ўтганди. Ўшанда ёшим 14 га тўлганди. Ёнимиздаги қўшни хонада, эр-хотин яшар ва уларнинг икки қизи бор эди. Бир куни бу оила бошқа жойга кўчиб кетди. Улар яшаган уйга бир чолғучи ёш артист, кўчиб келади, - деган гап тарқади. Усталар келиб уйни яхшилаб таъмирлашди.

Биз унинг кимлигига қизиқардик. Унинг чолғу буюмларини олиб келишини биз ёш болалар томоша қилиб турдик. Аввало пианиносини, скрипкасини олиб келишди. Эрталаб мактабга кетаётганимда, зинадан тушаётганда уни кўриб қолдим. Дунёда мен бундай чиройли, шаҳло, қора кўзларни кўрмагандим. Зинада тўхтаб, унга тикилиб қолдим. У ҳам менга қараб турарди. Оҳ! Дарсда ўтирганимда ҳам фикрим ўша қора кўзли йигитда эди. Кўп синфдошларим ўтиришларга томошаларга боришар, мени эса онам ҳеч қаерга юбормасди. Биз ёнма-ён қўшни бўлсак-да бир-биримизни кўра олмасдик. Бир куни кечаси, у Машраб шеърлари билан айтиладиган қўшиқни ижро этди. Юрагимда муҳаббат алангаси янада ўт олди. Кечалари уникига кўп артистлар келар, у эса ажойиб қўшиқлар куйларди. 25 ёшларга борган бу йигитнинг скрипка чалиб, ашуласини эшитсам, Лайлидек муҳаббат ўтида ёнардим.

Бир куни онамнинг қариндошлари Фарғонадан келиб қолишди. Улар: "Онанг ҳали ёш, турмушга чиқиши керак, ёлғизлик ёмон", - деб менга тушунтиришди. Ўшанда онам 35 ёшда эди. Унга хотини ўлган, икки боласи бор эркакдан совчи бўлиб келишганди. Онам рози бўлди. Биз энди Фарғонага кўчиб кетишимиз керак эди. Лекин мен сирли севгилимдан айрилишни ҳеч ҳам истамасдим. Энди мактабни томомлагандим. Бирорта ўқишга киришим керак эди. Онамдан шу ерда ўқишга киришга рухсат сўрагандим, онам мени ёлғиз қолдирмаслигини, Фарғонада ҳам ўқишим мумкинлигини айтди. Ҳамма нарсаларимизни тайёрлаб қўйгандик. Эртаси куни кетишимиз керак эди. Қўшиқчи йигит кеч келди ва скрипка чалиб, шундай бир куйни ижро этдики, мен қон йиғлаб, кечаси билан ухлолмай чиқдим. Эртаси куни биз кўчиб кетдик. Фарғонадаги ўғай отам жуда бадавлат, яхши инсон бўлиб, мендан меҳрини аямасди. У ерда мен олий ўқув даргоҳига ўқишга кирдим. Бундай қараганда мен жуда бахтли эдим. Лекин сирли муҳаббатим менга тинчлик бермасди.

Менинг фикру хаёлим, яна бир марта бўлса ҳам уни кўриш, ашуласини эшитиш эди. Ёшим ҳам 17 га етганди. Худодан шундай бахтиёр онлар насиб қилишини сўрардим. Мен Марғилонлик қизларга хос, узун сочларимни майда қилиб бошимга дўппи, эгнимда атлас кўйлак кийиб юрардим. Кўп йигитлар муҳаббат изҳор қилишарди. Аммо кўнглим бошқада, мен ҳеч кимни севолмасдим. Уйга кўп совчилар келар, рўйхушлик бермай, рад жавобини берардим.

Бир куни қўшнимизнинг қизи турмушга чиқаётганди. "Тошкентдан артистлар келармиш, нега уйда ўтирасан? Тўйга чиқ", - деб қолди онам. Қўшнимизнинг қизи севган кишисига турмушга чиқаётганидан хабарим бор эди. Онамнинг гапидан кейин мен уларникига тўйга чиқдим. Ҳаммамиз биргаликда қиз узатиб бордик. Мен келиннинг ёнида ўтирардим. Тўй бошланганда не кўз билан кўрайки, ўртада туриб скрипка чалаётган артист менинг сирли севгилим эди. Уни кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Кўзларимиз тўқнашганда у менга эътибор билан қаради, танимади. Назаримда жуда гўзал бўлганимдан эътибори менда эди. Артист қизлардан бири:

"Чертманг дутор торини,
Элга ёйманг ҳолимни.
Ҳеч кимга ҳам айтмасман
Кўнглимдаги ёримни", - деб қўшиқ куйлай бошлади.

Қўшиқдан таъсирланиб менинг кўзларимдан дув-дув ёш қуйила бошлади. Ёнимда ўтирган қизлар хайрон эди. Қўшиқ юрак бағримни тилка-пора қилиб юборганди. Қора кўзли севгилим билан бўлган учрашувим шундан иборат бўлди. Мен ёлғиз, сирли муҳаббатим билан яшардим. Ёшим ҳам 19 га етиб қолганди. Кунларнинг бирида бадавлат оиланинг ўғлидан совчи келди. Унинг оиласи ва ўзи ҳаммага маъқул келди. Онам ҳам, холам ҳам мени шу йигитга турмушга чиқишга мажбур қилишди. Мен энди бадавлат хонадоннинг келини эдим, аммо эримда ҳеч кўнглим йўқ, у ҳам мени севмас, менга эътиборсиз эди. Кунлар, ойлар ўтар, лекин биз фарзанд кўрмасдик. Қайнонам эса бундан жуда норози бўларди.

Вақт ўтиб Тошкентга хизмат сафарига келдим. Меҳмонхонага жойлашиб кундузи иш билан банд бўлсам-да, кечалари бўш эдим. Юрагимдаги сирли муҳаббат ўтлари яна алангаланар, уни бир кўриш, суҳбатлашишни истардим. Кунларнинг бирида ўзимиз яшаган кўчага бориб, кўприк устунига суяниб турсам, у келиб қолди. Севгилим билан қандай бўлмасин гаплашишим керак эди. Мен унинг олдига бориб, соат сўрадим. У айтиб, саломлашди. Кейин кулиб: "Қаерликсиз, синглим?"- деб сўради. Мен унга Фарғонадан келганимни, бир вақтлар Тошкентда яшаганимизни айтдим. "Агар Тошкентда зериксангиз, концертга олиб борай, гўзал жойларни томоша қилдирай",- деди самимий. Энди унинг учун ҳамма нарсага рози эдим. Шу кундан бошлаб бир-биримизга яқин дўст, меҳрибон инсон бўлиб қолдик. Бир кун у мени Тошкентдаги бир қариндошиникига тўйга олиб борди. У тўйда скрипка чалиб, ажойиб қўшиқлар куйлади. Кейин биз бирга ўтириб шампан виносидан ичдик, илгари бундай ичкиликларни ичмаганим учун бошим айланиб қолди. У буни сезиб, тўй эгаларидан узрини сўраб, мени ўз уйига олиб кетди. Шу кеча меҳмонхонага бормадим. Унинг уйида қолдим. Зиналардан чиқа туриб ёш қиз даврим эсимга тушди. Худди шу зинадан чиқаётиб уни кўрганим, унга маҳлиё бўлиб қолганим... У эса мени танимасди. Мен эса сирли муҳаббатимга эришганимдан жуда бахтиёр эдим. Шу кеча мен эримга хиёнат қилдим. Хизмат сафарим тугашига ҳам 3 кун қолганди. Бу кунлар ҳаётимдаги энг ажойиб кунлар эди. У мени вокзалга кузатиб бориб, бир қучоқ қизил гуллар ҳадя қилиб бағрига босди. Хиёнатни, ёлғонни ёмон кўрганим учун энди мен эрим билан яшай олмасдим.

Мени кутиб олишга чиққан онам билан эримнинг кўзларига қарай олмадим. Онамга ортиқ эрим билан яшай олмаслигимни айтдим. Тошкентда ўзимни докторга кўрсатганимни айтиб, "Фарзанд бўлмайди дейишди",- деб алдадим. Эримга бошқага уйланиб, фарзанд кўришини, бахтли яшашини тиладим. У менинг жавобимни берди. Мен онамникида қолдим. Виждон азобидан қутулдим. Қайнонам бундан хурсанд бўлиб, ўғлини уйлантириш ҳаракатига тушиб қолди. Йўдагилар бундан ҳайрон эди. Виждон азоби энди мени қийнамасди. Бутун куч-ғайратимни меҳнатга бағишладим. Умримни ишда ўтказиб, онамнинг уйида яшай бошладим. Бир куни ишдан келиб, овқатланиб, телевизор кўриб ўтирсам бирдан кўнглим айниб, ўзимни ғалати ҳис қила бошладим. Шифохонага бориб докторнинг кўригидан ўтсам, 3 ойлик ҳомилам борлигини айтди. Мен шифохонадан қушдай учиб, уйга келдим. Дунёда мендан бахтиёр аёл йўқдай эди гўё.

Бу дунёга келадиган фарзанд сирли севгилимнинг меваси эди. Фарзанд кўришимни онамга айтганимда у: "Эринг билан ярашиб ол. Фарзанд отасиз бўлмаслиги керак",- деб ялинди. Онам сирларимни билмасди. Бу хабар эримга ҳам етиб борибди. У эртаси куни етиб келиб, мендан ярашишни сўради. Мен унга: "Яраша олмайман, чунки, мен сизни севмайман. Сиз энди бошқага уйланинг!", - деб жавоб бердим. Кунлар ўтиб фарзанд кўрдим. Не азоблар билан кўрган фарзандим, шаҳло кўзли ёримни эслатарди. У ўғил бола эди. Боламни бағримга босиб, бахтиёрлигимдан йиғлардим. Кунлар ўтиб у икки ёшга тўлди. Боламнинг юришлари кулишлари бутун оиламизни бахтиёр қиларди. Ўғай отам ҳам уни жуда яхши кўрарди. Фарзандимнинг тили ҳам "бобо", деб чиқди. Отам ишдан келса унинг олдига чопиб бориб "бобожоним", деб эркаланарди. Мен бахтли эдим. Аммо севгилимга ундан фарзанд кўрганимни ёзмагандим. У фарзанди борлигидан бехабар эди. Йиллар ўтиб фарзандим 7 ёшга тўлди ва мактабга қатнай бошлади.

Бир куни қаттиқ шамоллаб қолибди. Иссиғи баланд эди. Кўнглим қандайдир ёмон иш бўлишидан дарак берар, ўзимнинг ҳам юрак касалим бошланганди. Шу кеча ухламай чиқдим. Шифокорлар боламни қанчалик даволаса-да, у оғирлашиб қолди. Учинчи куни эса у оламдан ўтди. Менинг ҳам ҳаёт чироғим ўчиб бормоқда эди. Боламни қабристонга олиб кетишганда, мен борлиғимдан ажралган бахтиқаро бир аёл, ҳушимдан кетиб йиқилдим. Кўзимни очганимда холам ёнимда ўтирарди. Узоқ яшай олмаслигимни дилдан ҳис қилиб турардим. Қандай бўлмасин энди холамга юрагимдаги сирларимни ошкор қилишим керак эди. Ўзимга келган вақтларимда бўлиб, ўтган воқеаларни, фарзандимнинг отаси ким эканини сўзлаб бердим. Холам кўзларидаги ёшларни арта-арта, менинг муҳаббат сирларимни тингларди.

Аёл сўзида давом этди. - Жияним 5 кундан кейин касалхонада вафот этди. Севгилисига хабар беришимизни, уни кўмишга чақиришимизни сўради. Жиянним васият қилганидек унга хабар бердик. У келди. Мен йигитга бўлган воқеани сўзлаб бердим. Унинг ўғли ҳам бўлганлиги ва ўлганини, ўғлининг ўлимидан 5 кун кейин эса жияним ҳам ўлганини, у умрини сирли севгилисининг ўғлига бағишлаганини айтдим. Ёш аёл бутун ҳаётини севгилиси учун қурбон қилганини, жон бераётганида ҳам уни тилга олиб, жон берганини гапириб бердим. Жиянимни ўғлининг ёнига кўмдик. Жиянимнинг қора кўзли севгилиси икки қабр ўртасида туриб, кўз ёшларини тўхтата олмасди.

Гайнижамол АБДУЛЛА қизи
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани.

ГУЛЧЕҲРАЖОН, ГУЛЧЕҲРА

Биз Гулчеҳра билан яхши кўришиб, ота-онамизнинг розилиги билан турмуш қурганмиз. У жуда гўзал, хушфеъл, меҳнаткаш қиз эди. Унинг орқасидан икки йил сарсон бўлиб, югуриб юриб зўрға муҳаббатини қозонганман. Бахтимга иккаламизнинг ҳам ота-оналаримиз қаршилик қилмади. Ўртамизни бузиши мумкин бўлган қора ботирлар ҳам бўлмади. Тўйдан кейин мендан бахтли одам йўқ эди дунёда. Албатта-да, ёнингда севимли, ширинсухан бир паризод кўзингга муҳаббат билан термулиб турса. Унинг чаққонлигини, озодалигини, пазандалигини мақтаб ота-онанг, ака-уканг, опа-сингилингнинг оғзидан бол томса. Шундай қилиб, Гулчеҳра билан бахтли ҳаёт кечира бошладик. У институтда ўқирди. У ўқишда, мен ишда бир-биримизга интиқ бўлиб кунни ўтказардик. Гулчеҳра ўқишдан кейин уй ишларини саранжомлаб, келинлик вазифасини бекам-у кўст битиргач, кечаси билан дарс тайёрлаб чиқарди. Унга термулиб ётиб ухлаб қолардим. Эрталаб турсам яна ҳовлида юмуш билан андармон бўларди. Гоҳо унга ачиниб, гоҳо жаҳлим чиқиб, ундан ранжиб қўярдим. Бора-бора уни юмушлардан астойдил рашк қила бошладим. Чунки, Гулчеҳра мени иккинчи даражага чиқариб қўяётгандай эди, назаримда. Шу алфозда орадан йиллар ўтди. Икки ўғиллик бўлдик. Энди унинг иши бошидан ошиб-тошиб ётибди. Менга ҳеч вақти йўқ. Бироз кўнглимни олади-ю, яна туни билан қитир-қитир, тиқир-тиқир нимадир қилиб чиқади. Шуларни кундузга қолдир десам, нима қилай кундузи қўлим тегмайди, дейди. Мен бўлсам у билан сирлашишга, гаплашишга, иссиқ нафасини ҳис қилганча қалбимда гўзал туйғуларнинг жўш уришига муштоқман. Ахийри уни баъзи юмушлардан қутилиб, менга ҳам вақт ажратиш илинжида, "дом" олиб ҳовлидан кўчиб кетдим. Мана шунга ҳам 5 ой бўлди. Лекин, Гулчеҳра ўзгармади. Ўша-ўша меҳнаткашлигича қолди. Мана ҳозир тунги соат 1.00да паризодим нима биландир овора. Мен бўлсам шифтга қараб, қайнаб тошаётган ҳис-туйғуларимни ким билан баҳам кўришни билмай ётибман. Анаву куни "Темир хотин" фильмини кўргандим. Робот хотин билан яшаётган Кўчқорвойнинг ўрнида ўзимни кўргандай бўлдим. Унга жуда ачиниб кетдим. "Гулчеҳражон, Гулчеҳра, бирпас қўйиб тур шу лаънати юмушларингни", - дейман ўтиниб. У кулиб қўяди ва ишга шўнғийди. Мен эса бу уйдан бош олиб чиқиб кетгим, ким биландир тўйиб-тўйиб дилдан суҳбатлашгим, сирлашгим келади. Қачондир бу воқеа рўй берса Гулчеҳра кимни айблар экан? Албатта мени-да! Нафақат у, бутун қариндош-уруғ, таниш-билиш, маҳалла-кўй, ҳамма мени айблайди. Бу ноҳақлик-ку!...

ДИЛШОД

ИККИР-ЧИКИР... ЛЕКИН...

Қарғиш олган ёмондир...

Собир ака ишдан уйга келгач, қўлидаги гўштни айвон четига қўйди-да, чол-кампир хонасига қайрилди.

- Ассалому алайкум, дада, тузукмисиз, ойи? - у синчковлик билан ҳар кунги одати бўйича дадасига, кейин ойисига термулди.

Шу дамда отаси кампирга дори узатаркан, алик олди.

- Ҳа, - деди, - шукур, яхши ўтирибмиз, сани дуои жонингни қиламиз. Собир ака чол-кампирнинг ночор аҳволига зимдан разм солиб, ичи ачишиб кетди. Ярқ этиб дераза оша ҳовлига қаради. Хотини кўринмайди. Шуларнинг ҳолидан хабар олиш, дорисини ичириб, бир пиёла иссиқ чой тутиш хотинининг иши эмасми?! Қаерда экан ўзи? Шу пайт том тунукаси гусура-гусур тарақлаб, икки мушук юмдалаша бошлади. Собир ака шошиб айвонга чиқди. Томда мушуклар бирғиллашар, зинадан хотини бепарво тушиб келарди. "Гўштни олдингми?" - сўради Собир хотинидан. Икки қўли халат чўнтагида бўлган Ханифа ҳайрон бўлди.

- Қанақа гўшт? Ман кўрмадим, - у бурилиб ошхонага ўтиб кетди. Собир беихтиёр томга қаради. Гўштнинг халтаси том четида осилиб ётарди. Тушунарли! Гўшт мушукка ем бўлди. Буёқдан хассасига суяниб ота чиқди.

- Келин! - деди у бўғиқ овозда. Лекин Собир гапиргани қўймади.

- Майли, дада, - деди у. - Насиб қилмаган экан-да! Сиқилманг, эртага бошқа гўшт олиб келаман.

- Хаҳ! Кўр бўлгур! Эр эшикдан кириб келганда пешвоз чиқиб, кутиб олмаган хотин - хотинми?! Лаънати!", - деб чол ошхонадан бир чойнак чой дамлаб жаҳл билан хонасига кириб кетди.

Собир кириб келиб, дадасининг ёнига ўтирди. Кеч бўлган. Хотини ҳали овқатга уннамаган, лоақал кап-катта бўлиб қолган қизи овқат қилишни ўйламасди. Унинг хуноби ошиб борар, нима қилишни билмасди. Хонтахта устида суви қочган нон, шакар, мураббо бор, холос.

- Латифа, - деб дераза оша қизини чақирди у. - Бор, музлатгичдан сариёғни олиб кел, онангга айт, овқатни тезлатсин!

Латифа сариёғни олиб келди.

- Дада, нонга суриб берайми? Ойи, сизга-чи, - Собир бир бурда нонга дадасига, бир бурда нонга ойисига ёғ суриб берди. Негадир ўраги сиқилиб ўтиролмади. Шу тобда хотинининг танбаллигидан, бепарволигидан ғазаби тошиб тўғри ошхонага борди.

- Овқатни вақтлироқ қилсанг бўлмайдими? Ахир отам қари, онам бетоб бўлса!

- Ўйнаб ўтирибманми? Мана қилаяпман-ку, - қовоғини уйиб олди хотини.

Ханифа сув қайнаб турган қозонга кесилган хамирни солаётганда эшикдан қўшни имлаб чақирди. Ханифа чопиб чиқди. "Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор", дейдилар. Қозондаги хамир қайнайвериб аталага айланди, ярми қозон четига ёпишиб қирмоч бўлди. Лекин кўчада турган бу икки қўшнининг гапи тугамасди. Эзилиб, пилчиллаб кетган лағмонни ҳеч ким ея олмади. Эртасига яна чолнинг хуноби ошди. Чунки, ювинди челакда лағмону кеча қовурилган қовурмочга айланган картошкалар қалашиб ётарди. "Ҳаҳ! Кўр бўлгур-а, уволи тутсин сани, кўр бўлгур!" - У хонасига кириб намоз ўқиркан, худога ёлвориб буларга инсоф сўради. Ўғли топиб-тутиб келса-ю, хотини юзага чиқармаса, исроф қилаверса, бундан ёмони бўлмас экан. Чол кампири билан кўпинча оч қолиб кетар, таги куйиб қовурмочига айланган овқатни еб бўлмас, қариган чоғида кунлари оғзига ёқар юмшоққина овқатга зор бўлиб ўтарди. Кампир эса касал бўлишидан аввал чолининг кийим-бошини, ўзининг кирларини дам олиб, дам олиб ювиб оларди. Ётиб қолгандан бери кирлари йиғилиб қолди. Келинига айтмайди, у кирни ишқалаб топтоза очилтириб юволмайди.

Ханифа эрининг кўнгли бўшлигидан ҳар ишда фойдаланар, ошхонада ювилмаган идиш-товоқ қалашиб ётар, ёғ идиш ағдарилиб устига челак қўйилган, хамир юқли човли стол тагида, косада моғорлаб қолган сут ҳафталаб ачиб ётар, бурда нону ушоқлар аралашиб, стол устида бўш жойнинг ўзи йўқ эди.

Латифанинг эса супурги ушлашга қўли қовушмас, нонушта, тушлик, кечки овқат деган тушунчалар борлигидан бехабар, куннинг қайси вақтида қорни очса, ё тухум, ё қийма қовуриб ошхонада еб чиқиб кетаверарди. Ака эса дангаса, ишёқмас, кун бўйи диванда ётиб телевизор кўради. Ҳовлини чопиб кўкатлар экай, тартибга келтирай демайди. Кампир ҳам бирор ҳафталардан сўнг бош кўтарди, дармонга кириб ҳовлига чиқди. Чолининг белбоғи, сочиғини ювишга тутинди. Шу дамда Собир ишдан келиб қолди.

- Ойи! Қўйинг, келинингиз ювиб беради, зўрға тузалдингиз, нега уринасиз",- деди у.

- Э, болам-а, шу ҳам иш бўптими.

- Кўрдингизми, - деди Ханифа эрининг рўпарасига келиб, - кўрдингизми, ойингизнинг усталигини, жўрттага сиз келишингиз олдидан "кўриб қўй", дегандек кир бошладилар. Кун бўйи ағанаб ётиб бирдан кеч бўлганда ғайратга кирдилар, тавба, атайлаб мани сизга ёмон кўрсатиш учун шундай қилаяптилар...

Кампир ҳам: "Нима деб ўйласангиз, ўйлайверинг", - деди.

- Умр бўйи мани эримга ёмон кўрсатиш ниятидасиз, охиратни ўйланг.

- Вой - во-ей, сандан ўрганайми-а?-деди энсаси қотиб она.

- Бу уйда тинчлик борми ўзи, қачон тугайди жанжал, қачон аҳил-иноқ яшашни ўрганасизлар! Ойи, бўлди, бас! - Собир хотинига юзланолмай онасига танбеҳ бера бошлади. Роҳила холанинг кўнгли вайрон бўлиб, жаҳл билан кирни муштлар экан, дув-дув оққан кўз ёшларини тийиб ололмасди. Ўғлининг гаплари жон-жонидан ўтиб кетди. Уйга кириб ётганча яна қайтиб туролмади...

Орадан вақт ўтиб, Латифани турмушга беришди. Афсуски, бир қизлик бўлганда турмуши бузилиб, ажралиб қайтиб келди. Парпини уйлантиришгач, икки ой ўтар-тўмас рўзғорини бўлак қилиб, ошхона иккига бўлинди. Бу оила билан биз бир пайтлар қўшни эдик. Унда кунда содир бўлган воқеаларни айримларини эсладим, холос. Сўнг биз бошқа жойга кўчиб кетдик.

Яқинда йўлим тушиб ўша кўчадан ўтиб кетаётсам, ўша ҳовлидан дўмбоққина қизча бир кампирни етаклаб, дарвозадан чиқиб келаётган эди. Мен кўришгани борсам, кампир менга қарамай бефарқ тураверди. Ҳайрон бўлиб, турсам: «Бувим кўрмайдилар", - деди қизча. Ичимда бир нарса "шув-в" этиб кетди. Энди чол ҳам йўқ, кампир ҳам. Қаршимдаги кўр кампир эса мен бир пайтлар билган келин Ханифа экан.

Онам доим: "Қарғиш олган ёмондир, дуо олган омондир", - деган гапни кўп такрорлар эдилар. Нақадар катта кучга эга экан бу халқ ҳикмати.

Азиз газетхон, ҳикоя қилаётганим ушбу ҳаётий қисса асосидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

Муҳаббат ТУРОБОВА,
Тошкент.

Қисадан ҳисса

Қайнона



Рисолат ая икки кичик ўғлини ҳам уйлантиргач, муродларим ҳосил бўлди, дея кўп суюнди. Рўзғорбошисининг ишбилармонлиги-ю, аянинг саранжом-саришталиги бу хонадонга ҳамиша қут-барака олиб кираверарди. Шу йўсин бешала ўғлига ҳам уй-жой қилиб беришди. Ўқимишли, касб-корли қилиб вояга етказишди. Қизлари борган жойларини обод қиладиган, эплик-сеплик келинлар бўлиб, ўзларидан тинчиб кетишган. Маҳалла-кўй бу хонадон аҳлига ҳавас билан қарайди. Бирор катта иш бошлагудек бўлишса, келиб маслаҳатларини олишади. Умр бўйи ўқитувчилик қилиб, ҳаёти болаларнинг орасида ўтган ая, жажжи жигарбандларининг ташвишидан ёшарарди гўё. У қудаларининг кўнглини олиб келишни ўзининг оқибатли бурчларидан бирига айлантирди: "Эртага сиз ҳозирлигингизни кўринг, фалончихон, деб қолардим у қутилмаганда. -Онаизорингиз қизининг бахтини кўриб суюнсин, дейман-да. Энг тоза либосларингизни кийиб чуғурчуқларимни ҳам кўғирчоқдай ясантириб олинг. Қудамни ўн ёшга яшартириб келамиз. Яхшилаб дастурхон қилиб олинг, айланай"... Йўлга тушиш олдидан эса ўғилларига тайинлайди: "Бизни олиб келгани борганингда, ҳеч бўлмаса, тўртта иссиққина нонни қўлтиғингга қистириб ол, болам. Қайнонанг билан қайнотангни бағрингга босиб, ҳурмат билан кўриш... Ҳа, шошилмагин-да, бирпас дастурхон бошида ўтириб, кўнгилларини олгин. Айниқса, уларнинг олдида келинга меҳр билан, яхши муомала қилгин"...

Рисолат ая ана шу феъли билан ҳам келинларининг меҳрини қозонган бўлса ажабмас. Баъзан ўғиллари ҳазил аралаш: "Сизга келинларингиз бўлса бўлди..." - дея қизғониб ҳам қўйишса-да, ана шу муштипар жонининг хуш фазилатлари билан уйларида ҳамиша бахтнинг ширин бўйи уфуриб туришини жуда яхши билишади.

Лекин бир ўй ҳамиша унинг юрагини зирқиратиб туради. Тўртинчи ўғлининг фарзандсизликдан дилтанг бўлиб, алами ортаётганини кўрса, ой кунини бир тутам қилиб ташлайди.

- Вой, қўшнижон, сиз қайси эшикка бош суқсангиз, жон деб қизини беришади. Тўрт-беш йилдан буён ўғлингизнинг умрини ўтказиб, туғмас келинни бошингизга кўтариб юрибсиз-а?.. Қўш келин бўлиб тушган овсини бир эмас, икки фарзанд кўрди, ахир,-дегувчилар ҳам кўп бўлди маҳаллада. Лекин Рисолат ая: "Келинимни асло ундай деманг. Эшитиб қолса кўнгли оғрийди-я", - деб уларга сўз бермайди. Ҳозир бу гапни тилга олишга ҳеч ким журъат қилолмайди. Ўғлини хомуш кўрган кезлари ичидан зил кетса ҳам онаизор уни ёнига олиб, насиҳат қилади: "Жон, болам, ноумид шайтон дейдилар. Фалончининг келини етти йил деганда ҳомиладор бўлибди. Яратганнинг бизга ҳам атагани бордир. Ахир келин бечора бошқа хонадондан бахт изласа, тақдири нима бўларкан? Бу дунё синовли дунё, савоб ҳам керак"... Ўғил ҳеч қачон онасининг сўзини икки қилган эмас. Аянинг ўгитларини жон қулоғи билан тинглаб, амал қилади. Шу йўсин кунлар ўтади. Ая аҳён-аҳёнда ҳеч кимга билдирмай йиғлаб олади. Айниқса, ётиб қолган кезлари эри асабийлашаверса, апил-тапил ўрнидан қўзғалиб: "Жон дадаси, овозингиз чиқмасин", - дея бошқа ташвишлар бағрига уради ўзини. Ҳар йили ёз яқинлашиши билан ая нафақаларини йиғиб, йўлланманинг ташвишига тушиб қолади. Қоғозини олган куни ўғлини ҳам ҳоли-жонига қўймайди. "Жон болам, фалон жойда фалон санатория бор экан. Таътилингни гаплашиб кел. Ўзингни ҳам, келинни ҳам текширтириб, даволаниб келинглар"... Бу гапларни келинига эшиттириб айтмаса-да, келинчак аёл қалби билан қайнонасининг бу орзу-ҳавасларини ҳис этиб туради.

- Қудам билан бешик олишга келувдик, - деди у хурсандчилигини баҳам кўришга шошилиб. Ўша сиз билган келингинам эгизак фарзандлар кўрди. Мана кўринг ўргилай, қудагинамга ичдим, - дея сумкасининг бир четидан ажойиб матони кўрсатди ая. Эртага чақалоқни бешикка солгач, олдига қўяман. - Ая кўз ёшларини рўмолининг учига арта-арта қувончдан энтикиб сўзлар, мен эса муҳтарама **АЁЛ** қаршисида юрак-юрагимдан таъзим қилгим келарди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Умримиз ўтмоқда...



Бир корхонада узоқ йиллар ишласанг, шу жамоанинг катта-кичиги билан устозу-шогирд, ака-ука, опа-сингиллардек қадрдон бўлиб кетаркансан. Мен ҳам фабрикада 20 йил ишлаб, шундай қадр топганман. Бироқ, ҳозир ёзаётганим жамоадаги обрў-эътибор ҳусусида эмас, инсон тақдирининг чигаллиги ҳақидадир.

Ўрта мактабни битиргач, фабрикага шогирд-ишчи бўлиб жойлашгандим. Ўшанда Мансур ака цех бошлиғи эди. У киши кеча-ю кундуз цехда бўларди, қайси пайтда дам олишини билмасдик. Фикри хаёли ишлаб чиқариш режасини бажариш, тикувчи-мотористкалар меҳнатини рағбатлантиришда бўларди.

Мен табиатан теварак-атрофимдаги кишилар ҳаётига қизиқувчанман. Айниқса, ўзимга меҳрибонлик кўрсатаётган кишиларнинг шахсий ҳаёт тарзини тўлароқ билгим келади. Мансур ака ҳам менга шундай қадрдон бўлиб қолди: турмушга чиққанимда дадамга мададкор бўлди, қишлоқда уй қурганимизда корхонада бузилган эски цех ёғочларидан ёрдам берди. Сиртдан ўқишимга шароит яратиб берди.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникумни битириб, модельерлик касбига эга бўлдим. Шунда Мансур ака мени бичиқчилар участкасига етакчи қилиб тайинлади. Участкада ишлаётган мастерга: "Опа, нафақага чиқишингизга бир йил қолди. Шу қизга ишингиз йўл-йўриқларини ўргатинг, масъулиятини тушунтиринг", - деб ётиғи билан айтди. Опа бошлиқнинг маслаҳатини самимий қабул қилиб, менга ишонч билан қаради.

Мансур аканинг эътибори туфайли, очиқ айтаман, жамоадаги бошқа касбдошлар ҳам менга меҳр билан қарайдиган бўлишди. Аввал цех, сўнгра корхона касаба уюшма қўмитасига раис бўлдим. Шу кезда устозим Мансур аканинг шахсий ҳаётига дурустроқ қизиқа бошладим.

Бир йили Мансур ака бир ҳафта ишга чиқмади. Уйида касал ётганлигини аниқлаб, ёнимга фаоллардан бирини олиб, уйига йўқлаб бордик. У киши шаҳарнинг чекка даҳасидаги кўп қаватли уйнинг учинчи қаватида, икки хонали хонадонда яшарди. Эшик қўнғироғини босишимиз билан ранглари анча оқарган Мансур ака зулфинни очди. Саломлашиб, ичкари кирдик. У хонадон носариталигидан бироз ҳижолат чекиб:

- Уй тартибсизроқ эди, - деб қўйди.

Суҳбатлашиб ўтириб, келин аямиз аввалги йили болаларини олиб, ўз юртига кетганлигини, шундан бери Мансур ака ёлғиз яшаётганлигини, кейинги пайтларда уриниб, толиқиб қолганлигини билиб олдик.

- Аянинг йўқлиги Сизни анча қийнаб қўйибди-да, - деган луқмамизга:

- Бу ердаги шароитлар маъқул келмади, борди-келди қилиб яшаш жонига тегиб кетди, шекилли, - деб кўя қолди.

Мен Мансур аканинг сабр-бардоши ва матонатига тан бердим. Қўлимиздаги совғани бериб, саломатлик тилаб фабрикага қайтдик. Мансур ака яна уч-тўрт кундан сўнг ишга чиқиб, аввалги тиғиз фаолиятини бошлади.

Йил изҳори

Ўша йили кузга бориб, "Техника фанлари номзоди" илмий даражаси учун диссертация ёқлади. Мансур аканинг ҳаётдаги ушбу қутлуғ тантанасида ҳам кенжа қизи қатнашди, холос. Устознинг эллик йиллик юбилейини ҳам жамоада оиласи ва қариндошларидан бешнафар вакил иштирокида нишонладик. Мен Мансур аканинг меҳнатда обрў-эътибор топганидан қанчалар қувонган бўлсам, оилада бахт тополмаганидан шунчалар куюндим.

Мансур ака бу тантаналардан сўнг илмий-тадқиқот институтига ишга ўтиб кетди. Мен унга кўп суяниб қолган эканман, кетгач, худди ёлғиз қолгандек сездим ўзимни. Ҳайриятки, соғинчларим дилни ўртаган дамларда Мансур ака ўзи бизларни йўқлаб хонадонимизга кириб келарди.

Ота-онам, сингилларим домлани (Мансур акани фабрикада ҳам, институтда ҳам шундай аташарди) ниҳоятда ҳурмат қилишарди. Баъзан узоқроқ кўринмай қолганида: "Домлани дараги бўлмай қолди, кўрмадингизми?" - деб мендан сўрашарди. Аслида Мансур акани мен кўпроқ соғинардим. Бироқ, бу соғинч туйғуларини эримга ҳам, ота-онамга ҳам очиқ айтолмасдим. Чунки эрим домла билан самимий муносабатда бўлса-да, баъзан: "Домланг билан ниҳоятда иноқсан, ҳойнаҳой ораларингда бир гап бор!" - деб шубҳаланиб қоларди. Шундай кезда дилимдан: "Бу эр билан тирноққа зор бўлиб ўтганимдан, домланинг кўнглини олсам савоб эмасми?" - деган фикрлар ўтарди.

Очиқ гапни айтай, домлага нисбатан менда дил яқинлиги уйғонган эди. Бироқ, ёшимиздаги йигирма йиллик фарқ, дилимни очишга тоғдек тўсиқ бўлиб турарди. Худди шундай андишани домланинг бир кунги суҳбатимизда: "Буни қаранг, ё мен эрта туғилиб қолганман, ёки сиз кечроқ туғилиб қолгансиз", - деган гапларидан сезганман.

* * *

Орадан йиллар тўхтовсиз ўтиб бораяпти. Умримиз ҳам ўтаяпти. Ўртадаги андишани бузиб ўтиб, мен рашкчи эрдан, домла эса бағритош хотиндан воз кечолмаяпмиз. Биламан, бу ҳолат мен учунгина эмас, домла учун ҳам қалб қийноғига айланиб бораяпти. Оҳ, бу тақдир...

М.
Андижон шаҳри.

Баъзан дунё кўзимга тор кўриниб кетади. Наҳотки **50 ёш**га кирганимда ҳам бир маромда ҳаёт кечиришнинг иложи бўлмаса?.. Мен кўрган азобларни бошқа жонзот бўлса кўтара олмасди, деб ўйлайман. Турмуш ўртоғим ароқ ичмаса туролмасди. Маст бўлиб мени калтаклашдан чарчамасди. Элдан уялиб, жигарларимни ўйлаб, чидаб яшадим. Оқибатда ичкилик туфайли у ўз умрига зомин бўлди. Биз фарзанд ҳам кўрмадик. Ёлғиз бошимни қайга уришни билмай, қилмаган хизматим қолмади. Аммо, ҳамиша бир бурда нонимни ҳалол едим. Тўғриси жуда қийналиб кетдим. Менинг ҳам бир эгам, бошпанам бўлармикан?

Манзилим таҳририятда.
Маҳзуна,
Тошкент.

Қанча қизлар билан учрашдиму, ҳеч бири билан тақдиримни боғлай олмадим. Хотинимнинг ҳаёсизлиги сабаб ажрашгандим. Балки газета орқали кўнглим бекасини топарман.

Манзилим таҳририятда.
Рустам,
Тошкент.

Ёшим 48 да. Яхши бир ташкилотда ишлайман. Соғлигим ҳам жойида. Аммо бир неча йилдирки ёлғиз яшайман. Фарзандимиз бўлмади. Балки мен каби жуфтини қидираётган эркак ҳам бордир.

Манзилим таҳририятда.
Саида,
Тошкент.

Оилада иккинчи қизман. Опамнинг бироз соғлиги яхши эмаслиги сабабми, менга ҳам совчилар келмади. **Ёшим эса 30 дан** ошиб қолди. Ишлайман, жигарларим парвона. Аммо фарзанд кўриш орзуси мени турмуш қуришга ундайди.

Манзилим таҳририятда.
Зулайҳо, Тошкент.

Қайда ўзи ўша бахт?

Қўшним билан неча йиллик қадрдонмиз. Одатда совчиликка боришса, қўшнидан сўраб-суриштиради. Шундай экан, мен ҳам қўшнимнинг **28 ёш**га кирган жуда одобли, ҳусни, бўйи-басти ҳам келишган қизи ҳақида ёзмоқчиман. Совчилар кўпу бироқ тенги топилмаяпти. Мен эса унинг ёши ўтиб қолишидан чўчийман. Давлат ташкилотларидан бирида ишлайди. Ана шу қизни келин қилмоқчи бўлганлар бўлса, овоз беришсин.

Манзилим таҳририятда.
Малоҳат,
Тошкент.

Фарзандим бўла туриб, умрим азобда ўтаётган аёлман. Умр бўйи нима топган бўлсам шу фарзандим учун сарфладим. Бир бойвачча хонадондан келин қилдим. Бугунги кунга келиб, ана шу бор-йўғим бўлган болам мени ўз уйимга сиғдирмай қўйди. **Ёшим 62 да.** Агар бир кўнглимни кўтарадиган тенгим бўлса, қариганда тинч яшасам дегандим.

Манзилим таҳририятда.
Малика,
Тошкент.

Қизим 22 ёшда. Атрофдагиларнинг айтишича жуда чиройли, ақл-ҳушли, саранжон-сариштали. Аммо отасининг қилган хиёнати қизимнинг бахтини тўсмасмикан, деган ўй менга тинчлик бермайди. Балки мени тушунган ота-оналар келиб оиламиз билан танишиб тенгимиз бўлса болаларимиз бахтли бўлишар.

Манзилим таҳририятда.
Мастура, Тошкент.

Ёшим 45 да. Оқишдан келган, ўрта бўйли аёлман. Ўқимишлиман, олийгоҳда ўқитувчилик қиламан. Фарзандларимни ҳам оилали қилдим. Аммо эримнинг номардлиги боис кўп йиллардан бери ёлғизман. Мени тушунган, ўқимишли, келишган 55 ёшларгача бўлган ёлғиз инсон бўлса танишсам.

Манзилим таҳририятда.
Шаббода,
Тошкент.

Ёшим 24 да. Ажраганман. Оилам билан бир ой ҳам яшаганим йўқ. Ҳаётда бир адашдим шекилли. Олий маълумотлиман. Оиламиз зиёли. Уй-жойим, машинам бор. Шароитим етарли. Бир яхши қиз бўлса ҳаётимни боғламоқчиман.

Манзалим таҳририятда.
Акмал,
Бухоро.

Ёшим 48 да. Ичиш, чекиш ва бошқа бемаъниликлардан йироқман. Фарзандларимнинг ўз оиласи бор. Мен энди ўзим учун яшамоқчиман. Ер майдоним бор. Яшаш тарзим ёмон эмас. Аммо аёли бўлмаган уй юрагимни сиқади. Мен ёлғизга ҳам жуфт бормикан?

Манзилим таҳририятда.
Баҳодир,
Оҳангарон.

Биз опа-сингиллар асли самарқандликмиз. Тошкентда яшаймиз. Олийгоҳ талабаларимиз. Биримизнинг **ёшимиз 25**, иккинчимизники **23 да**. Бизнинг орзуимиздаги йигит камтарин, жиддий ва юраги тоза инсонлар бўлиши керак.

Манзилимиз таҳририятда.
Садоқат ва Васила.

Бу дунёни бир кам дейишади. Гулдек ҳаётим бахтсизлик туфайли инқирозга учради. Икки қизим билан ёлғиз қолдим. Боғчада ишлайман. Иш жойи тайин, ичмайдиган, чекмайдиган, мард йигит бўлса ҳаётимни боғламоқчиман.

Манзилим таҳририятда.
Муаттархон,
Тошкент.

Ёшим 28 да. Ажрашганман. Касбим ҳайдовчилик. 3 та болам бор. Биттаси ўзим билан. Зарарли иллатлардан холиман. Иболи ҳаёли, имон-эътиқодли қиз ёки боласиз аёл билан ҳаётимни боғласам дейман.

Манзилим таҳририятда.
Х.
Тошкент.

Ёшим 36 да. Тақдирнинг зарбасига учраб, оилам барбод бўлди. Уй-жойим бор. Ишим тайин. Топиш-тутишим яхши. Ҳаё-иболи, тартибли, ақлли-ҳушли қиз ёки боласи йўқ аёл бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.
Тошкент,
Маъмур.

Ўғлимнинг **ёши 41 да.** Олий маълумотли. Касб-кори тайин. Ўзи келишган йигит. Аммо ҳаёти чигал келди. Ақлли эсли-ҳушли пазанда қиз ёки боласиз аёл бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда.
Баҳром,
Тошкент.

Ёшим 32 да. Ажрашганман. Битта ўғилчам бор. Касбим чеварлик. Тикишбичишни, озодаликни, пазандаликни яхши кўраман. Исломий илмга ҳам эгаман. Шу боламга оталик меҳрини бера оладиган, зиёли, мард, кўркам эркак билан оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятди.
Маҳмуда,
Тошкент.

МАТЛУБА ва САНОБАР
тайёрлашди.

Болам тортинчоқ-да, кўпчиликка, хатто, ўртоқларига ҳам унча қўшилиб кета олмайди, дейишади баъзи оналар хўрсиниб. Хўш, бундай болаларга қандай ёрдам берса бўлади?

БОЛАНГИЗ ТОРТИНЧОҚ...МИ?

ТАБИАТ ШУНДАЙ ЯРАТГАН...

Бўлажак "одамови"лар ҳали йўргакдалигидаёқ сал нарсадан чўчиб тушадилар. Сал хавф-хатар туғилиши билан онасининг ёнига югуришади. Улар эҳтиёткор, мулоҳазали, унчалик ташаббускор бўлмаса-да, аммо, сўзининг устидан чиқадиган инсон бўлиб улғаядилар.

Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, боладаги тортинчоқлик неврозга айланиб, соғлиғига қаттиқ таъсир қилиш хавфи бор.

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА !

Агар фарзандингиз холироқ жойга интиладиган, ўртоқларининг озоридан қаттиқ таъсирланадиган, бегоналар олдида ўзини ноқулай ҳис этадиган бўлса, уни койиб, кўнглини баттар яраламанг. Яхшиси унинг руҳиятини чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилинг.

Хаддан ташқари қаттиққўл ва талабчан бўлманг. Ўзига унча ишомайдиган, бундай болалар ота-онасининг меҳрига муҳтож бўладилар. Уларга кўпроқ эътибор қаратинг. Ҳар қандай ижодий ишини мақтаб, кўнглини кўтаринг, ўзига ишонч уйғотинг. Агар фарзандингиз сизнинг илтимосингизни бажармаса ёки эплай олмаган бўлса, жазо қўллашга шошилманг.

Шунингдек, таъсирчан болангизга ҳеч қачон овозингизни кўтариб гапирманг. Бу унда дудуқлик ва сийиб қўйиш каби одатлар пайдо бўлишига олиб келади.

БОЛАНИ АСИР ҚИЛМАНГ!

Кўпинча болалар ота-оналари истаган талабга жавоб бера олмайдилар ва уларнинг режаларини чиппакка чиқарадилар. Ўзларининг эмас, балки ота-оналарининг талабига асосан, улардан қўрққанлари учун мусиқа мактабига, спортга, қатнашиб, вақтларини бекорга ўтказадилар. Шу боис у кутган муваффақиятга эриша олмайдилар. Шунинг учун:

- Сен ялқовсан! Харакат қилмаяпсан! Кучсиз бўлиш ўрнига ожизсан, қобилиятиинг йўқ, дея койманг. Бу сўзларингиз билан уни бир умрга ўзига ишонч туйғусидан маҳрум қиласиз.

БОШҚАЛАРНИ УНГА ИБРАТ ҚИЛМАНГ!

Кўпинча ота-оналар истаган ишларини бажара олмаган фарзандларига :

- Ана, Ахмадни қара! Қандай ақлли бола, фақат аълога ўқийди, спорт билан ҳам шуғулланади. Сен бўлсанг, уни ҳам, буни ҳам эплай олмаяпсан,- дейдилар. Болангизни бошқалар билан солиштирманг. Бунинг фойдаси йўқ. Чунки бола ҳаммага ўхшамаганидан бир умр изтиробда қолади.

ШОШИЛТИРМАНГ!

Ҳар бир бола бир дунё. Унга вазиятни тушуниб, ўзи мустақил ҳаракат қилишига, дўстларининг феълини, ўйин қоидаларини яхшироқ тушуниб олиши учун имконият беринг.

ТОРТИНЧОҚЛИК ГУНОҲ ЭМАС...

Бир қараганда тортинчоқлик камчиликдек туюлиши мумкин. Болаларнинг ҳис-туйғулари жуда нозик бўлади, ота-оналар буни вақтида англаб олишлари лозим.

Бола ёлғизликка интилаяптими, демак у зерикмайди. Биронта машғулотга боши билан шўнғийди. Расм чизади, шакллар ясайди, расмли альбомни томоша қилади ёки биронта мураккаб ўйин билан банд бўлади. Бундай машғулотлар эса боланинг катта истеъдоди борлигидан даракдир.

Агар болангиз қўшиқ ёки эртаклар тўқиса ҳайрон бўлманг. Ювош, ўз оламига берилган болакайнинг фантазияси бой бўлади.

- Ҳаёл суришни бас қил! Етар шунча анқайиб ўтирганинг! - деган қўпол сўзлар билан уни чўчитиб юборманг.

Майли, бола болалар билан тезда дўстлашиб кета олмасин. Унинг ўзи атрофида пайдо бўлаётган янги оламга кириб боришига, муаммоларини ўзи ҳал қилиб, қарор қабул қилишига йўл беринг. Хуллас, у ўзига дўст танлайди, ўзи уларга со-

диқ дўст бўлади. Бундай болалар ўртадаги чуқур муносабатни қадрлай оладилар. Ваҳоланки, ота-оналар ҳам театрга, музейга борганда фарзандларига ишончли дўстлар топишига ёрдам беришлари мумкин. Вақти-вақти билан фарзандингизга синфдошлари ёки дўстларини уйга таклиф этиб туришига рухсат беринг. Тўкин дастурхон устида улар билан бирга суҳбатлашиб, ўйинларида бирга иштирок этинг.

ОТА-ОНАЛАР МАКТАБИ

ПАРАЗИТ чувалчанглар ХАВФИ

ЁҚИМСИЗ ҚЎШНИЛАР

Кўпинча боланинг танасиниаскарида, гижжа қуртлари зарарлайди. Острицалар инсоннинг қаршилик кўрсатиш тизимини ишдан чиқаради. Аскаридалар эса ўт пуфаги ва нафас олиш йўлларини зарарлантириб, ичакда тиқилма пайдо қилади. Кичик гижжалар ичакнинг шиллиқ қаватини ўз сўргичли оғизчалари билан ишдан чиқариб, ичак ва ошқозон яраси келиб чиқишига сабаб бўладилар. Гижжалар инсон танасини заҳарли чиқиндилари билан ҳам заҳарлайдилар.

ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛИШАДИ?

Паразит чувалчанглар касаллигини 90 фоиз "ифлос қўллар" касаллиги дейишади. 10 фоизи эса балиқ, гўшт ёки бошқа маҳсулотлардан юқади. Айтиш мумкинки, бу хавфу хатар барчага таалуқли. Бироқ, ачинарлиси шундаки, бундай касалларнинг кўпини 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.



АГАР ГИЖЖАСИ БЎЛСА-ЧИ?

Болани паразит чувалчанглар қийнаяптими йўқми буни фақат лабораторияга бир неча марта анализ топшириш орқалигина аниқланади. Лекин касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган маъқулроқ. Касалга чалинган белгилари.

- Тез-тез аллергик қўзғалиш хуружи, яъни тери қичишиши, зиқнафас хуружи.
- Ҳеч бир сабабсиз ҳароратнинг кўтарилиб кетиши.
- Қориннинг симиллаб оғриши.
- Йиринг аралаш тўхтовсиз ич кетиши.
- Қабзият.
- Иштаҳанинг йўқолиши.
- Кўнгил айниши.
- Қусиш.
- Бўшалганда қон пайдо бўлиши.
- Ҳаддан ташқари асабийлашиш ва йиғлоқилик.
- Камқонлик, рангсиз юз.
- Жисмоний ва ақлий заифлик.
- Хотира сусайиши.
- Бўйнинг пастлиги.
- Вазн камайиши.

АРАЛАШТИРИБ ЮБОРМАНГ!

Баъзи ота-оналар болада гижжа бўлса бўлмаса мунтазам равишда дори берадилар. Асло бундай қила кўрманг. Болани турли дорилар билан заҳарлаш ярамайди. Яхшиси уни шифокорга олиб бориб, ташхис қўйдиринг. Агар гижжаси бўлсагина даволашга киришинг.

ПАРАЗИТЛАРГА ҚАРШИ

- Коньяк ва кастор ёғини бир ош қошиқдан олиб 2-3 ош қошиқ ширин чойга аралаштириб болага ичиринг (агар у уч ёшдан кам бўлмаса). Буни тунги соат 2 да ичиши керак. Ушбу муолажани танадан барча гижжалар тушиб битгунча, 5-7 кун ҳар тунда қайтаришингиз керак бўлади.

ЛЕНТАСИМОН ЧУВАЛЧАНГЛАРГА ҚАРШИ

Қовоқ уруғи. Пўстидан тозаланган қовоқ уруғларини (тозаланган пайтда унинг устида яшил пардаси бўлиши шарт) икки ҳафта давомида болангизга едиринг. Бу тезда ичдаги гижжаларни туширади.

Бунинг учун қовоқ уруғини майдалаб, устига 10-15 томчи сув қуйиб, ҳосил бўлган бўтқани оч қорингга бир соат давомида бўлиб-бўлиб едиринг. Сўнг уни хуқна (клизма) қилинг.

ЙЎҚОТСА БЎЛАДИ...

Гижжалар инсон танасида йиллаб яшаши мумкин. Бундай ҳолатда унинг борлигини аниқлаш қийин. Ҳар қандай шифокор ҳам ўз вақтида аниқ ташхис қўя олмаслиги мумкин. Аммо, уларни танадан чиқариш мумкин. Халқ табобатида оддий ва тез фойда берадлиган усуллар кўп.

ПИЁЗЛИ АРАЛАШМА

-Ўртача катталикдаги пиёзни майдалаб, устига бир стакан қайноқ сув қуйинг. У 12 соат турганидан кейин сузиб олиб, 3-4 кун давомида 0,5 стакандан болангизга ичиринг.

Эрмон гуллари (цвети полына) ва асал: икки чой қошиқ эрмон гулларини майдалаб, икки ош қошиқ асал билан аралаштиринг-да оч қорингга болага едиринг. Сўнг сут ичиринг.

Гижжа бўлмаслиги учун қуйидаги қоидаларга риоя қилинг:

- ***Болаларга бифштекслар, чала пиширилган кабоблардан берманг.***
- ***Болалар ўйнайдиган қумли майдончанинг тозалигини текшириб кўринг.***
- ***Уй ҳайвонларингизга вақти-вақти билан гижжага қарши дорилардан бериб туринг.***
- ***Фарзандингизнинг дайди итлар билан ўйнашига йўл қўйманг.***
- ***Болангизни тирноқни ғажишдек зарарли одати бўлса, буни қилмасликка одатдантиринг.***

ДИЛДОР ва ҲАМИДА тайёрлашди.

ШАФТОЛИ- УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Шафтолининг пишган мевалари таркибида жуда кўп калий, кальций, темир, фосфор ва С, В дармондорилари бор. Унинг шарбатга тўлган эти юрак, жигар ва буйракнинг ишлаш фаолиятини меъёрлаштиради. Ошқозон ярасини даволашга ёрдам беради.



Қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланиш учун қайта ишланганда ҳам шафтоли таркибидаги моддалар ўзининг шифобахш хусусиятини йўқотмайди. Бу мевадан тайёрланган шарбатлар, компотлар жигар, юрак-томир ва буйрак хасталигидан азоб тортаётган беморлар учун жуда фойдали. Қанд касаллиги билан оғриганларга ва ортиқча вазндан қутулмоқчи бўлганларга унинг қуритилган, шакарсиз музлатилган меваларидан истеъмол қилинса фойдаси катта.

Шуни унутмангки, кўм-кўк, ҳали пишиб етилмаган шафтоли меваларининг таркибида ҳеч қандай шифобахш хусусиятлар йўқ. У фақат ошқозонни ишдан чиқаради холос. Бундай меваларни ҳеч қачон емаганингиз маъқул. Чунки пишмаган шафтоли этида касал тарқатадиган микроблар тезда кўпайиб кетади. Бу эса хавфли ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради. Шарбатга тўлиб пишган, ширин, пўсти зарарланмаган шафтолиларнигина истеъмол қилиш керак.

Шафтолининг айниқса, октябр-ноябрда пишиб етиладиган навлари эртагисидан кўра ширинроқ бўлади. Мана шундай шафтолилардан тайёрланган дамламалар эса бўғинларни мустаҳкамлайди.

Диққат! Семизлик ва аллергик кўзғалишларга мойил кишиларга шафтолининг янги мевасидан ейиш тавсия этилмайди. Бундайлар яхшиси қуритилгани ва музлатилганидан ейишлари мумкин.

ДАНАГИ, ГУЛЛАРИ ВА БАРГЛАРИ ҲАМ ФОЙДАЛИ

Шафтоли данагидан олинган ёғлар тиббиётда ва косметологияда кенг фойдаланилади. Айниқса, бу ёғлар уқалаш (массаж) пайтида ишлатилса меъёрлаштиради, тери остидаги мушакларни юмшатади. Шунингдек у яраларни тузатиш хусусиятига ҳам эгадир.

Шарқ табиблари шафтоли барги ва гулларининг дамламасини қанд касали, тошмалар, нейродермит ва қон тўхтатишда ишлатишган. Шафтоли барглари дамламаси бош оғриғи, бод, ошқозон-ичак касалликларини тузатиб, сийдик ҳайдайди.

Юрак хасталиклари, жигар ва буйракни даволашда:

Ҳар куни икки маҳал овқатланишдан сўнг, ярим соат ўтгач, эзилган шафтоли эти ёки музлатилганидан иккиуч бўлагини илиқ сувга 15 дақиқа ботириб қўйиб, кейин есангиз, дардингизга даво бўлади

Қанд касалида :

Қуритилган шафтоли гули билан кўк чойни 1/2 миқдорида аралаштиринг. Дамлама 5-7 минут туриши керак. Ушбу дамламани ҳар куни 2-3 маҳал овқатланишдан 20 минут олдин ичасиз.

Ошқозон яраси ва энтероколитда:

Икки дона пўсти арчилган шафтоли бўлакларини сирли идишга солинг. Устига бир стакан сув қуйинг. Паст оловда 10 минут қайнатгач, ушбу аралашмани совутиб, сузиб олиб, тўртга бўлиб ейсиз.

Тери касалликларида (экзема, нейродермит):

Бир стакан сув устига икки ош қошиқ қуритилган шафтоли барги ва гулларидан соласиз. Дамламани 20 минут ўраб қўясиз. Сузиб олиб уч кун давомида ушбу аралашма билан терининг зарарланган жойларига сурасиз.

Лабнинг чети ёрилганда:

100 грамм шафтоли мағизини туйиб, устига вазелин ёки ўсимлик ёғидан бир чой қошиқ аралаштириб, кечқурун лабингизнинг четига суриб қўйсангиз, юмшатади.

Бод, қабзият ва сийдик аж-ралиши қийинлашганда:

Бир чой қошиқ қуритиб майдаланган шафтоли барглари устига бир стакан қайноқ сув қуйинг-да. 10 минут буғда тутиб туринг. Сузиб олиб ҳар куни уч-тўрт маҳал овқатдан олдин ичинг.

Эмизикли болалар тери тошмасида (диатез):

Шафтоли данакларини 30 минут товада қовуринг. Сўнг данагини чақиб, ичидаги мағизини толқондек туйиб, бироз сув билан аралаштириб бўтқа тайёрланг. Бу бўтқани бола терисининг тошма тошган жойларига суринг.

Қабзиятда :

Овқатланишдан 20 минут олдин 1/4 миқдорида шафтоли шарбатидан ичинг.

Бод, Ошқозон яраси, энтерит ва склеродермияда:

Ҳар куни овқат пайтида 1/2 чой қошиқ янги сиқиб олинган шафтоли барглари шарбатидан ичсангиз, тузалишингизга ёрдам беради.

Тез битмайдиган қонли яраларда:

Яранинг устига шафтолининг янги узилган баргини боғланг. Ушбу боғламани ҳар тўрт соатда алмаштиринг. Яра тўкила бошлагунга қадар янги барглар боғлашни давом эттиринг.

Шамоллаш, тумов ва ўпка шамоллаганда (бронхит):

Уйқуга ётишдан олдин 10-15 минут 3-5 томчи шафтоли ёғи томизилган сув билан буғланинг.

ШАФТОЛИДАН КОМПОТ

Бунинг учун бир килограмм янги узилган ёки 300 грамм қуритилган шафтоли, икки литр сув, 1/2 стакан оқ вино, 1/2 лимон кислотаси керак бўлади.

Шафтолини пўстидан тозалаб, иккига бўлинг-да, данагини чиқариб олинг. Бўлакларга бўлиб, лимон кислотасидан сепинг ва салқин жойга қўйинг. Пўсти ва данаклари устига совуқ сув қуйиб, озроқ шакар солиб 20 минут давомида қайнатинг-да, сузиб олинг. Аралашма устига шакар сепиб тайёрлаб қўйилган шафтоли бўлакларини солинг, у бир қайнаб чиққанидан кейин совутинг. У совугандан кейин устига бир стакан вино қуйиб, истеъмол қилинг.

ҚАЙМОҚЛИ ШАФТОЛИЛАР...

500 грамм янги узилган ёки консерва қилинган шафтоли меваларининг устига кўпиртирилган қаймоқ қуйинг. У музлаткичда 10 минут туриши керак. Истеъмол қилишдан 10 минут олдин унинг устига бироз шакар сепасиз. Сўнг духовкага қўйиб, сепилган шакар эриганидан кейин оласиз. Қаймоқли шафтолилар жуда ширин ва хушхўр бўлиши билан бирга жуда тўйимлаи бўлиб тана учун фойдаси жуда каттадир.

ТИКАНАКЛИ ОЛХЎРИ ФОЙДАСИ

БАРГИ, ГУЛИ ВА МЕВАСИ ҲАМ...

Бу ғаройиб меванинг илдизидан тортиб шохларигача шифобахшдир. Гули, барги, тиканакли шохлари ва илдизлари шамоллашни ва микробларни ўлдиришда ишлатилади. Танадаги модда айланиш жараёнини ҳам меъёрга солади. Данагининг ичидаги мағизларидан кунига 3-4 дона ейилса танани даволайди. Унинг таркибидаги В17 дармондорилари тўқималарда пайдо бўлаётган шишларни қайтариб, саратон (рак) хасталигининг олдини олади. Мевалари эса пектинга бой. Пектин хотира сусайиши, (атеросклероз), ни даволаб, танани турли туз ва хилтлардан тозалайди. Олхўри мевалари қанд касали билан оғриган беморлар учун парҳез сифатида тавсия этилади. Шуниси ажойибки, унинг таркибидаги барча қимматли дармондорилар консерва қилинганда ва қуритилганда ҳам ўз хусусиятларини йўқотмайди.

ДАРДЛАРГА ДАВО

Ич кетганда, энтероколитда: 1/4 стакан пўсти арчилган олхўридан тановвул қилинг.

Хотира сусайганда (атеросклероз): Унинг олдини олиш учун ҳар куни 3-4 маҳал 1/2 стакан олхўрини овқатланиш орасида истеъмол қилинг.

Сурункали қабзият, ичаклар бўшашганида, ўтириб ишлайдиган кишиларга: бир ош қошиқ қуритилган олхўри гуллари устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, бир соат тиндириб қўйинг. Бу дамламани ҳар куни овқатланишдан ярим соат олдин 1/3 стакандан ичиб юринг.

Нефрит, пиелонефрит ва цистит, тери касалликларида даволаш учун қўшимча восита сифатида: Бир ош қошиқдан гуллари ва барглари устига бир стакан сув қуйиб, ярим соат тиндириб қўйинг. Уч ош қошиқдан кунига овқатдан олдин истеъмол қилинг.

Шишда: бир ош қошиқ майдаланган янги олхўри баргларини чойнакка солиб дамланг-да, кун бўйи сув ўрнига ичинг.

Ошқозон ярасида: кунига бир-икки маҳал олхўри танасидан оқиб чиқадиган елимидан шимиб юринг.

Бўшашган, ажинли терида: ҳар куни ёки кун ора яхши пишиб етилган олхўри мевасини эзиб, юзингизга суринг. 15-20 минутдан кейин эса илиқ сув билан ювиб ташлаб, бironта озиқлантирувчи кремдан суриб қўйинг. Ушбу муолажани 10-12 марта қайтарсангиз бўлади.

ОЛХЎРИ ШАРБАТИ

Данагидан ажратиб олинган 1 килограмм олхўрини тенг миқдорда шакар билан аралаштирасиз-да, 10 минут духовкага қўйиб қўясиз. Сўнг эзиб шарбатига таъбга қараб шакар аралаштирасиз-да, металл қопқоқ билан маҳкам беркитасиз.

Шуни унутмангки, бу ҳолда тайёрланган олхўрилар ўз табиий шифобахш хусусиятларини қиш бўйи сақлаб қолади.

ҚИШДА ЭСА...

Олхўридан нафақат ширин мураббо ёки шарбатлар тайёрлаш, балки уни қишга маринадлаб қўйса ҳам бўлар экан.

Буни эса қуйидагича тайёрлайсиз. Масалан, бир килограмм олхўри устига бир стакан сув, бир чой қошиқ шивит уруғи, 3-4 бўлак саримсоқпиёз бўлаги ва таъбга қараб туз соласиз.

Аввало олхўри меваларини ювиб, паст оловда 30-35 минут қайнатиб оласиз. Сўнг сал совутиб, пўсти ва данагидан ажратиб олиб элакдан ўтказасиз. Тайёр бўлган олхўрига зираворларни қўшиб шиша банкага соласизда, бўғлаб металл қопқоқ билан бураб ёпасиз. Ушбу олхўрилар қишда айни дармондорилар танқис пайтида гўштли таомларга қўшиб истеъмол қилинса жуда хушхўр бўлади. Шунинг учун бундай қайлаларни тайёрлаб олишдан эринманг.

САИДА ва ГУЛБАШАКАР

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 836. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12108
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — А. УМИРОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5